

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

***ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ***

Ижтимоий-иқтисодий факультет  
“Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” кафедраси

**ДҮСМУРАТОВ ЭЛЁР ГУЛМОРОДОВИЧНИНГ**

Миллий ғоя, хуқуқ ва маънавият асослари таълим йўналиши бўйича  
бакалавр даражасини олиш учун

**“Оммавий ахборот воситаларида миллий ғоя тарғиботи” мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:** катта ўқитувчи Мусурманкулов Ф.

Гулистон-2012

## **КИРИШ**

### **I-БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ХАЛҚИМИЗ ОНГИ ВА ЭЪТИҚОДИГА СИНГДИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИНИ ИЛМИЙ – НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

- 1.1. Миллий ғоя тарғиботининг ахборий шакллари
- 1.2. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни.
- 1.3. Оммавий ахборот воситалари миллий ғояни ҳаётга тадбиқ этишда муҳим восита

### **II-БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ХАЛҚИМИЗ ОНГИ ВА ЭЪТИҚОДИГА АЙЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ**

- 2.1. Миллий ғояни халқимиз онги ва эътиқодига айлантиришда матбуотнинг ўрни.
- 2.2. Баркамол инсонни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти
- 2.3. Глобаллашув шароитида оммавий ахборот воситаларининг ёшлар тарбиясига кўрсатаётган таъсири

## **ХУЛОСА.**

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ.**

## КИРИШ

**Тадқиқотнинг долзарбилиги.** Миллий ғояни халқимиз онги ва эътиқодига сингдиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини, уларнинг ўзаро алоқадорликдаги ижтимоий моҳиятини илмий тадқиқ этиш долзарб масалалардан бирига айланди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида, интернет қундан-қунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани хақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ»<sup>1</sup>. Шундай экан, бугунги кунда жамиятни демократлашириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш жараёнида ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришларга миллий ғояда акс этган ғоялар таъсирининг ўзига хос хусусиятларини оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилинишининг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларига ахборот-коммуникация ва компьютер технологияларининг кириб келгани ҳамда жадал ривожланиш ўйлига ўтгани жамиятимизга ҳам катта ўзгаришлар олиб кирди. Зоро, бу ўзгаришлар асосини ахборотлашириш, телекомуникация ва компьютер технологиялари ташкил этади. XXI аср – ахборотлашган жамият асидир. «XXI аср - Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, янги аср – ахборот, юксак технологиялар ва замонавий билимлар, олдимизда очилаётган янги истиқболлар асидир»<sup>2</sup>. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда ахборотнинг тез ва сифатли айланишини таъминлаш мамлакат тараққиёти ва равнақининг бош мезонига айланмоқда.

Ҳозирги вақтда оммавий ахборот воситаларида берилаётган ахборот ёки хабарлар глобал моҳият касб этмоқда. Чунки, оммавий ахборот воситалари-

<sup>1</sup>Каримов И.А. Ўзбек халки ҳеч качон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. Т., “Ўзбекистон”, 2005.,194-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Т.: Ўзбекистон, 2003. -54 б.

даги ахборот ёки хабар инсон тафаккурига турли йўналишларда таъсир ўтказувчи, инсоният ҳаётини, тақдирини у ёки бу томонга буриб юборувчи, гоҳ ижобий гоҳ салбий моҳият касб этувчи қудратли воситага айланди. Ўзбекистон Республикаси Конститутциясида “хар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш хуқуқига эга...”<sup>1</sup> дир. Айни шу маънода Президентимиз Ислом Каримов “Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз”<sup>2</sup> деб таъкидлайди.

Ахборотлашув жараёни оқибатида дунё миқёсида ягона яхлит ахборот майдони шаклланди. Дастрраб олимлар ахборотлашув жараёнини кўпроқ техноген жараён сифатида талқин қилишга мойиллик билдириб, унинг сиёсий ва маънавий жиҳатларига эътибор бермадилар. Лекин сўнгги пайтларда унинг бу жиҳатларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилмоқда ва қайта – қайта такрорланмоқда. Чунки, бугун бутун дунёда ижтимоий муносабатлар, одамларнинг яшаш ва тафаккур тарзида кескин ўзгаришлар юз берди. Айни шу маънода Ислом Каримов “Кимдир уни юксак технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асли, яна бирор ялпи ахборотлашув даври сифатида изоҳламоқда”<sup>3</sup> - деб ёзади.

Мамлакатимизда ҳозир миллий оммавий ахборот воситалари тизимини шакллантириш, ахборотлаштириш соҳасини тартибга солиш, ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқил-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2009. 29-модда.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. - 28 б.

<sup>3</sup> Каримов И. Юксак маънавият енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. 110-б.

моқда. Ушбу қайд этилган қонунларда миллий оммавий ахборот воситалари тизимининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

Шунга кўра тадқиқотнинг долзарблизигини яна қўйидагиларда ифодалаш мумкин:

**Биринчидан**, миллий ғояни халқимиз онги ва эътиқодига сингдиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили, унинг тарихий илдизларига эътибор қаратишни тақозо этади. Зеро, кишилик жамиятининг минг йиллар давомидаги тажрибаси шуни қўрсатмоқдаки, маънавиятсиз, кучли ва изчилий миллий ғоясиз, соғлом мафкурасиз ҳар қандай ижтимоий тизимнинг ривожланиши мумкин эмас.

**Иккинчидан**, миллий ғояни ёритишида оммавий ахборот воситаларида берилган мақолаларни танқидий ва таҳлилий жиҳатдан мунтазам равища таҳлил этиб бориш долзарб аҳамиятга эга.

**Учинчидан**, миллий ғояни ёритишида оммавий ахборот воситаларида берилган мақолаларни таҳлили уларни амалиётда жорий этиш йўл-йўриқларини ёритиб боришда долзарб ҳисобланади.

Ана шундай ва шу каби муаммолар бугунги кунда ниҳоятда долзарб бўлиб, кўплаб илмий адабиётларда муҳокама қилинган. Лекин миллий ғояни ёшлар онги ва эътиқодига сингдиришда оммавий ахборот воситаларининг роли масаласи етарли ўрганилмаган.

**Муаммонинг ишланганлик даражаси.** Миллий ғоянинг ижтимоий хаётдаги роли, уларда илгари сурилган ғояларнинг таҳлилига алоҳида эътибор берган мамлакатимиз олимлари жумласига С.Шермуҳаммедов, М.Қурунов, Қ.Назаров, С.Мамашокиров, А.Очилдиев, Ф.Мусаев кабиларни киритиш мумкин. Жумладан, А.Очилдиев «Мамлакатимиз учун миллий ғоя, миллий истиқлол мафкураси ҳақидаги масаланинг қўйилиши ҳам ҳаётий эҳтиёжнинг иникоси бўлганлигини таъкидлаш зарур»<sup>1</sup>, деб, миллий ғоя миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг муҳим омили эканлиги-

<sup>1</sup> Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. -Т.: Ўзбекистон, 2004.-Б. 133.

ни ёритиб беради. Қ.Назаров ғояларнинг таъсири ҳақида гапириб, «ғояларнинг оддий фикрлардан фарқи яна шундаки, улар гарчи тафаккурда пайдо бўлсада, инсон ва жамият руҳиятига, ҳатто туб қатламларига ҳам сингиб боради. Ғоя шундай қувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий маънавий кучга айланади»<sup>1</sup>, дейди. С.Мамашокиров мафкура миллат ижтимоий-маънавий қиёфасини белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, «Тики ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади»<sup>2</sup>, дейди. Бинобарин, миллий ғоя манфаатларнинг бирлиги сифатида миллат вакилларини муайян мақсадлар сари етакловчи воситадир.

Оммавий ахборот воситаларидаги ранг-барангликни ифодалаш<sup>3</sup>; ўзига хослик, янгилик, структураларнинг мураккаблиги мезони; танлаш эҳтимоллиги<sup>4</sup> ва ҳакозоларни айтиш мумкин. Бу тадқиқотларнинг ҳар бири оммавий ахборот воситаларининг у ёки бу қиррасини очиб беришга қаратилган.

Умуман, ахборот ҳамда ахборотлаштириш жараёни кенг қамровли ҳодисадир.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Миллий ғояни ёшлар онги ва эътиқодига сингдиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини ўрганишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

- миллий ғоя тарғиботининг ахборий шаклларини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда демократик жамият қуришда оммавий ахборот воситалари-нинг ўрнини аниқлаш;
- оммавий ахборот воситалари миллий ғоянинг ҳаётга тадбиқ этишда муҳим восита эканлигини илмий таҳлил қилиш;

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Изоҳли кўргазмали воситалар тўплами). -Т.: Янги аср авлоди, 2001.-Б.80.

<sup>2</sup> Мамашокиров С. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича илмий-амалий семинар материаллари. -Т.: ЎзМУ, 2004.

<sup>3</sup> Эшби Р. Массовая информация: стратегия и тактика потребления. М.: Дело, 1993. -С.405.

<sup>4</sup> Яглом Т. Массовые коммуникации в современном мире: методология анализа и практика исследования. СПб.: Питер, 2000. -С.190.

- миллий ғояни халқимиз онги ва эътиқодига айлантиришда матбуот омил эканлигига оид назарий ва амалий таклиф – тавсияларни ишлаб чиқиш;
- баркамол инсонни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ёритиш;
- глобаллашув шароитида оммавий ахборот воситаларининг ёшлар тарбиясига кўрсатаётган таъсирини тўғри баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг обьекти ва предмети.** Оммавий ахборот воситаларида миллий ғоя тарғибот тизими тадқиқотнинг обьектидир. Тадқиқотнинг предмети миллий ғояни ёшлар онги ва эътиқодига сингдиришда оммавий ахборот воситаларининг роли таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқот усуслари.** Тадқиқот жараёнида обьективлик, тизимли ёндашув, тарихийлик ва мантиқийлик, синергетик таҳлил каби гносеологик ва методологик тамойилларга таянилди. Илмий изланишлар ўтказишида анализ ва синтез, комплекс ёндашув каби тадқиқот усуслари қўлланилди.

### **Ҳимояга қўйилаётган асосий хуносалар, қоидалар ва илмий тавсиялар.**

- миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга ҳаёт тарзимизга зид бўлган заарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш. Бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун хужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва информацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни хушёрликка ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштироқида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

- хозирги давр оммавий ахборот воситаларии ўзнинг жадал суръатларда ривожланиши билан биргаликда, жиддий муаммоларга ҳам дуч келмоқда. Бундай муаммолар жумласига миллий ғояга зид бўлган ахборот ёки хабарларни тарқатилиши ва манипуляция қилиниши кабиларни келтириш мумкин. Баъзи бир газета ва журналлардаги сунъий тарзда ҳосил қилинган абстракт, тушунарсиз фикрлаш, манба томонидан ахборот ёки хабарни фақат ўзининг фойдасига бўлган қисмини етказиш, реал фактларни хомаки, нореал хулосалар билан якунлаш, ўз вақтида жавоб бермасдан долзарб муаммони “совутиш” ва бошқалар оммавий ахборот воситаларидағи жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Оқибатда эса бундай ҳолат халқни оммавий ахборот воситаларига ишончини йўқолишига ҳам олиб келмоқда. “Даракчи”, “Кўнгил кўчалари”, “Садо”, “Тасвири”, “Эрудит” ва бошқа шу каби шоу – бизнес учун чиқарилаётган газеталардаги баъзи мақолаларни бунга мисол келтириш мумкин. “Ҳалқ сўзи”, “Ўзбекистон Овози”, “Маърифат” ва бошқа республика газеталари бундан мустасно. Бизнингча, оммавий ахборот воситалари орқали одамларга ғоялардаги манфаатларини англатмасдан туриб, мафкурани оммалаштириб- халқчиллаштириб бўлмайди.

### **Илмий янгилиги:**

- миллий ғоя тарғиботининг ахборий шакллари таҳлил қилинди ҳамда Ўзбекистонда демократик жамият қуришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни аниқланди;

- оммавий ахборот воситалари миллий ғоянинг ҳаётга тадбиқ этишда муҳим восита эканлигини илмий таҳлил қилиниб, миллий ғояни халқимиз онги ва эътиқодига айлантиришда матбуотнинг тутган ўрнига оид назарий ва амалий таклиф – тавсиялар ишлаб чиқилди;

- баркамол инсонни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ёритилиб, оммавий ахборот воситаларининг ёшлар тарбиясига кўрсатаётган таъсири аниқланди;

- оммавий ахборот воситалари миллий ғоянинг ҳаётга тадбиқ этишда мухим восита эканлиги таҳлил қилиниб миллий ғояни халқимиз онги ва эътиқодига айлантириш ҳамда фуқаролик жамияти қуришнинг мухим омили эканлигига оид назарий ва амалий таклиф – тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, унда ёритилган фикр-мулоҳаза ва хулосалар жамият тараққиётида миллий ғоя, оммавий ахборот воситаларининг маънавий, иқтисодий ҳаётда тутган мавқеини ўрганиш учун асос қилиб олиш мумкин. Шунингдек, унда берилган хулоса ва тавсиялар Республикаизда ёшлар фаолияти ва миллий ғояни шакллантиришда миллий оммавий ахборот воситалари тизимини янада шакллантиришга оид таклиф – тавсияларни ишлаб чиқишида ёрдам беради.

**Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми.** БМИ Кириш, икки боб, олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

# **І.БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ХАЛҚИМИЗ ОНГИ ВА ЭЪТИҚОДИГА СИНГДИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИНИ ИЛМИЙ – НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Миллий ғоя тарғиботининг ахборий шакллари**

Мустақиллик Ўзбекистон халқи учун орзиқиб кутилган воқеилик бўлиши билан биргаликда у халқнинг келажак умиди ҳам. Чунки, , “Эртанги кунга ишонч билан яшаётган, катта интилиш ва умид билан меҳнат қилаётган халқимизга ошкора, очик ташкил қилинган муроқот-сухбат, халққа билдирилган ҳурмат эҳтиром одамларнинг адолатга бўлган ишончини сўниб қолишига йўл қўймайди, уларнинг фаоллигини янада оширади”<sup>1</sup>

Истиқлолнинг дастлабки йилларида мустақилликни асраб қолиш, танлаган йўлинидан оғишмай бориш ғояси қанчалик долзарб масала даражасига кўтарилиган бўлса, бугун эса улар нафақат амалга оширилди, шу билан биргаликда сиёсий ва иқтисодий, ижтимоий мустақиллигини мустахкамлаш — миллий давлатчилигимизни қуриш; халқаро майдонда обрў эътиборини ошириш — юртимида тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш; асл маънавий-маданий қадриятларимизни, миллий удум ва анъаналарни тиклаш, демократик тамойилларни қарор топтириш ва фуқаролик институтларини тузиш каби улкан тарихий ишлар амалга оширилди<sup>2</sup>. Шунинг билан биргаликда мустақиллик даврида миллатлараро тотувлик ғоясининг ОАВда айниқса телевизион қўрсатувларда кенг, холис тарғиб этиш сари бошланган, тобора кучайиб бораётган олижаноб ва қудратли ҳаракат янгича тус олди. Энг муҳими бундай ҳаракат, бундай интилиш билан яшайдиган халқни ўз буюк мақсадларидан қайтариб ҳам, тўхтатиб ҳам бўлмайди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди. 13-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2005. –Б.12  
<sup>2</sup> Ўша манба, -Б.94

“Биз журналистларни чеклаб қўймоқчи эмасмиз. Майли, ёзаверишсин, майли, танқид қиласвериши. Аммо холислик ва андиша унтилмаслиги керак, иккала томоннинг овози эшиштагандагина ҳақиқий ошкоралик қарор топиши мумкинлигини ёдда тутиш керак. Ҳамонки, факат бир томонгина Иттифоқдаги миллион-миллион одамларни чалғитиб, афсона кетидан афсона тўқиётган экан, бу ҳол фикрлар хилма-хиллигидан жуда йирокдир”<sup>1</sup>.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг Ўзбекистон Телевиденияси фаолияти моҳияти давлат ғоялари тарғиботчиси, миллатлараро алоқаларни мустаҳкамлаш ва юксалтириш воситасига айланиб, халқ эртанги куни йўлида асосий кучлардан бири бўлиб белгиланди дейиш мумкин. Мустақиллик остонасида турли миллат вакилларидан ташкил топган бутун халқ ўз олдига ҳуқуқий давлат ва эркин фаровон жамият қуришни қўйди. Ташибикот, тарғибот ишлари оммавий ахборот воситалари олдига катта вазифаларни қўйди. Бу олижаноб мақсадга эришиш учун давлатимиз ва президентимиз бир қатор чора тадбирларни амалга оширди. Жумладан, 7 январ 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси телевидения ва радиоэшиштириш Давлат Комитети Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиштириш компаниясига айлантириш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга асосан мамлакатда телерадиоэшиштириш ташкилотини ривожлантириш, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар, ўз навбатида хорижий давлатларнинг телерадио ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашини мувофиқлаштириш, телекўрсатув ва радиоэшиштириш фаолиятини ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш масалалари йўлга қўйилди. Шунингдек, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Юртимизда аввало оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида". Т.: "Ўзбекистон", 2012 йил, 227-бет.

ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун хужжатлари қабул қилинди”<sup>1</sup>.

1994 йил 28 марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Давлат телевидения ва радиоэшиттириш компаниясининг кўрсатув ва эшиттиришлари ҳажмини қўпайтириш, унинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёning 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда<sup>2</sup>. 1996 йил 7 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ижтимоий тараққиётида телевидения ва радионинг ролини ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фаромони қабул қилинди ва Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси жойларда худудий бўлинмаларига эга бўлган Ўзбекистон телерадиокомпанияси (Ўзтелерадио) деб ўзгартирилди. Бундан қўзланган мақсад мамлакатимизда конституциявий тараққиётни таъминлаш, қонунчиликка риоя этиш ҳамда инсон ҳукуқлари ва қадр-қимматини ҳимоя қилишнинг ғоят муҳим муассаси сифатида телерадиоэшиттиришни янада ривожлантириш, шунингдек, унинг республикада кечеётган ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширишга таъсирини кучайтиришдан иборат эди ва айтиш мумкинки, бу мақсадга эришилди ҳам. Шу билан бирга фармонга асосан телеканаллар фаолияти ривожлантирилди ва журналист кадрларни соҳаларга ихтисослаштириш борасида бир қатор ишлар қилинди. 1997 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. - 29 б.

<sup>2</sup> Карап: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. - 30 б.

Маҳкамасининг «Ўзбекистон телерадиокомпанияси тизимини техника билан комплекс қайта жиҳозлаш тўғрисида» ги қарори эълон қилинди. Қарорга асосан 1998-2006 йиллар давомида «Республика телерадиомаркази» давлат унитар корхонаси, «Ўзбекистонтефильм» давлат унитар корхонаси билан бирга Наманган, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари телерадиокомпаниялари ҳам Австрияning «Симекс АГ» ва Германияning «БФЕ АГ» фирмаларининг энг замонавий техникалари билан жиҳозланди. «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонун нормаларини янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ҳам ушбу вазифани ҳал этишга хизмат қиласди. Мазкур дастур рақамли телерадиоэшиттиришлар инфратузилмасини шакллантириш, бу борадаги фаолиятни ҳукуқий жиҳатдан тартибга соладиган самарали тизимни яратишга қаратилиши даркор.

Мухтасар айтганда, юқорида зикр этилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидағи ўрни ва ролини янада мустахкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам беради<sup>1</sup>. 1998 йил 26 мартағи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра 1998 йил июль ойидан «Ёшлар» теле ва радиоканаллари ташкил этилди ва телеканалнинг эфир ҳажми 16,0 соатга етказилди. Бу ишларнинг барчаси олдинга қўйилган мақсаднинг нечоғлик муҳим эканлигини англатади. 2003 йил 4 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан «Спорт» телеканали ташкил

<sup>1</sup> Каранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. - 30 б.

етилди. 2005 йил 8 ноябрда эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мустақил телерадиоканалларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан мустақил телерадиоканалларни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли ҳамда жамиятнинг ҳар томонлама холис ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондиришда мамлакатимизнинг электрон оммавий ахборот воситалари ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон телерадиокомпанияси **Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси** этиб қайта ташкил этилди<sup>1</sup>.

Бу фармонда миллий телерадиокомпаниянинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Унга кўра аҳолининг таълим ва маданий савиясини ошириш, миллий анъаналарни, тарих ва меросни сақлаб қолиш, фуқароларнинг онгига демократик қадриятларни шакллантириш, ёшлар ва ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва умумжаҳоний қадриятларни хурмат қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган теледастурларнинг тематик йўналишларини аниқлаш ва уларнинг профессионал, бадиий даражасини юксалтириш кўзда тутилган. 2006 йил 27 декабрда мазкур фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ташкиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида» ги қарори эълон қилинди<sup>2</sup>. Дунёдаги етакчи мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизимиning такомиллаштирилиши ахборот соҳасидаги фаолиятнинг сифати ва савиясини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида фақат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди.

<sup>1</sup> Жабборов С.М. Журналистиканинг самарали фаолият юритишига ҳалқаро ва миллий хукуқнинг таъсири.— Т.:Faafur Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашрнёти, 2002. Оммавий Ахборот Воситаларининг хукукий асослари- Т.:Ўзбекистон.2005

<sup>2</sup> Каранг:www.MTRK.uz Журналистлар хукукий саводхонлиги муваммолари. Тележурналистика ва хукук. Тўплам. - Т.:РКПМТ, 2003.

Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда<sup>1</sup>.

Мустаҳкам ҳуқуқий пойdevорга эга бўлган Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси бугунги қунда миллатлараро тотувликни таъминлаш ва уни телевиденияда кенг ва ҳолис ёритиш мақсадида қатор ҳорижий тилларда ўз кўрсатувларини узатиб бораяпти. Бу ишларни, асосан, **«Дўстлик»** бош муҳаррияти амалга оширяпти. Ушбу турдаги кўрсатувлар ўзбек, рус, қозоқ, тожик туркман тилларда олиб борилмоқда. **«Дўстлик»** бош муҳаррияти фаолиятини кузатар эканмиз, 130 дан зиёд миллат вакилларининг ўзаро баҳамжиҳат ва ватан равнақи йўлида ҳамфир бўлиб яшашларида номлари тилга олинган бир қатор фидойи журналистларимиз қўлга киритган ахборотга фикрий уйғоқлик билан ёндашиб, уни ҳолис, ҳаққоний тарзда оммага тақдим этиб, халқимизнинг бунёдкорлик ишларини, буюк келажак барпо қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини кенг тарғиб этиши, кўп миллатли ватандошларимизни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ислоҳотлар, мамлакатни демократратлаштириш жараёнларидан хабардор қилиш билан бирга юрт манфаати ҳар бир фуқаро учун бирламчи эканини доимо англатиб туриш йўлидан бормоқдалар. Бу эса журналистларнинг жамият олдидаги ижтимоий масъулиятини белгиловчи асосий мезондир.

Жамият маданий тараққиётининг мухим мезонларидан ҳисобланган миллий ғоя ва уни шакллантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида Ислом Каримов бир қанча таклиф – тавсиялар ишлаб чиқганлар. Шунингдек, миллий ғояни қўйдагича таъриф бериб ўтганлар. “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу

<sup>1</sup> Карап: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. - 30 б.

юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбидаги чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиласиган бўлсак, ўйланманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қиласиган бўламиз”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан мамлакатимиз тарихида янги давр бошланди. Бугунги кунда республикамизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб олинди. Шу боис, демократик жамият барпо этиш ва бу жараёнда миллий ғоянинг аҳамиятини, уларнинг ўзаро алоқадорликдаги ижтимоий моҳиятини илмий тадқиқ этиш долзарб масалалардан бирига айланди. Зеро, «Ҳеч кимга сир эмас - биз қураётган янги жамият, ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгиланиш жараёнлари, ислоҳотларнинг тақдири ва келажаги, аввало, халқимизнинг фаоллиги, уларнинг дунёқарashi, онгу тафаккурининг юксалишига боғлиқ»<sup>1</sup>. Шундай экан, бугунги кунда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш жараёнида ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришларга миллий мафкурамизда акс этган ғоялар таъсирининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш катта амалий аҳамиятга эгадир.

Ислом Каримов миллий ғояни сингдиришда авваламбор миллий ғоя, миллий мафкура негизида одамларнинг эркин ҳаёт, обод ва озод ватан қуриш йўлидаги саъй-харакатлари, интилишларини умумлаштирадиган, таҳлил этадиган, шу ғояларни бойитиб-ривожлантирадиган ва кучайтирадиган идоралар фаолиятини ташкил этиш зарур<sup>2</sup> деб таъкидлайди.

Ислом Каримов “Халқимизга хос вазминлик, сиполик, камтарлик фазилатлари инсонни улуғлайди. Минбарда туриб, тилга эрк бериб, ваколати

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юқсак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.-Б.71.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Инсон манбаатларини таъминлаш, ижтимоий химоя тизимини такомиллаштириш - устувор вазифамиздир. -Т.: Ўзбекистон, 2006. -Б. 3.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2000, 29-бетлар.

бўлмасдан туриб халқ номидан гапиришга ҳеч кимнинг, ҳеч қандай ҳаққи йўқ<sup>1</sup> деганларида халқимизга хос маънавий – аҳлоқий меъёрларни назарда туттган эди.

Ислом Каримов миллий ғояга қарши таҳдидларни қўйдагича шарҳлайди: ... ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, шу эркин, осуда ҳаётни кўролмайдиган, ҳасад ва фитна билан яшайдиган, зўравонлик билан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга, халқ тинчини бузишга уринадиган ёвуз қучлар ҳамиша бўлади. Бу - ҳаёт. Бу - ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати. Уни ҳеч ким инкор этолмайди. Буни нафақат ўз тарихимиз ва ҳаётимизда, балки бошқа халқлар тарихи ва ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин. Иккинчи хулоса шуки, ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, ўзинг туғилиб ўсган, ота-боболаринг хоки ётган, эртага фарзандларинг камол топадиган тупроқнинг ҳар бир қаричини муқаддас билиб, уни ҳимоялаш, зарур бўлса, бу йўлда жон фидо этишга тайёр туриш керак.

Учинчи аччиқ хулоса шуки, ҳар қайси эл, ҳар қайси юрт четдан келадиган ёвуз офатдан кўра, ўз ичидан чиқадиган сотқин, иймонсиз, ўзининг манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, керак бўлса, энг яқин кишиларини ҳам сотадиган, ўзини ўстирган, вояга етказган Ватанига қўл кўтарадиган қабиҳ кимсалардан ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак. Бундай қучлар, разил шахсларнинг кибру ҳавоси, манфур мақсадлари эл-юрт тинчлиги ва тараққиётига қандай хавф-хатар эканини бугунги ҳаётимизда кўриб турибмиз.<sup>2</sup> Шу билан бирга, яна бир тушунча ҳаётимизга кириб бормоқда. Биз жамиятимизда чиндан ҳам адолат ва ҳақиқат ҳукмронлигини ўрнатмоқчи эканмиз, юртимизда эски тузумдан қолган ноинсофлик, порахўрлик, таъмагирлик, коррупция, зўравонлик, маҳаллийчилик, урукаймоқчилик каби барча ярамас унсур ва иллатлардан халос бўлмоқчи эканмиз, аввало, Конституциямиз ва қонунларимизга итоат этиш, қонун

<sup>1</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2000, 63-бет

<sup>2</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2000, 74-бет.

устуворлигини амалда ҳаётимизда таъминлаш зарурлигини ҳаммамиз яхши англаб олмоқдамиз.<sup>1</sup>

Биз барпо этаётган янги жамият юксак маънавий ва ахлокий кадриятларга таянади ва Ўларни ривожлантиришга катта эътибор каратади. Бу жараён миллий истиқлол гояси ва мафкурасига, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосланади. Жамиятни маънавий янгалашдан кузланган бош мақсад - юрт тинчлиги. Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш. ижтимоий хамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп мухим масалалардан иборат. Ўтган ўн беш йил давомида-мустақил тараққиёт йилларида амалга оширган улуғвор ишларимиз ҳам бу ҳақда муайян тасаввур беради.

Мафкуравий иммунитетнинг ички тузилиши қандай? Мафкуравий иммунитет – одам ўз хаётида амал қиласиган англанган қоидалар йифиндиси. Ёки рамзий қилиб, уни шахснинг мафкуравий конституцияси деб атаса ҳам бўлади. Бу конституция икки асосга таянади. Биринчиси – у яшаётган миллий-маънавий муҳитда қабул қилинган меёрлар. Иккинчиси – шу меёрларнинг одам дунёқарашида ўзлаштирилган қисми.

Демак, шахс ва жамият мафкураси уйғунлиги жамиятни, давлатни кучли қиласи. Акс ҳолда, одамлар мафкураси ҳаммани бирлаштириб турувчи умуммиллий ғоя, мафкура, дунёқараашдан қанчалик узоклашса, бундай жамият шунчалик мафкуравий парокандаликка яқинлаша боради. Бу муаммони миллий тарбия, мафкуравий профилактикага йўналтирилган тарғибот– ташвиқот ишлари бартараф қиласи.

Ҳар бир мамалакатнинг ўз тарғибот–ташвиқот тизимлари бор. Улар турлича номланса ҳам мақсад ва функциялари бир. Яъни умуммиллий бирликни яратиш, сақлаб туриш, кучайтириш, умуммиллий мақсад сари рағбатлантириш, йўналтиришдан иборат. “Агар тарихга назар солсак, илгари

<sup>1</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2000, 87-бет

кучли давлатлар заиф мамлакатларни очиқдан-очиқ босиб олиб, уларга ўз ҳукмини ўтказган бўлса, XX асрнинг охирига келиб, бундай сиёsat янги бир шакл касб этди. Хозирги вақтда кудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун аввало забт этмокчи ўз таъсир доирасига олмоқчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам килишга интилади”.<sup>1</sup>

Бу соҳадаги энг асосий вазифамиз - миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошлаган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга қўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир. Ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, умумий гаплар билан эмас, амалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш диққатимиз марказида бўлиши шарт. Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади - иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс - комил инсонни тарбиялашдан иборат.<sup>2</sup>

Илгари ҳам кўп бора айтганман, яна бир марта таъкидламоқчиман: мамлакатимиз сарҳадларини қўриқлаш, дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга армиямизнинг салоҳияти, давлатимизнинг куч-қудрати етарли. Лекин мени ҳали суюги қотмаган, онги эндиғина шаклланиб келаётган фарзандларимизнинг ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли кўпроқ хавотирга солади. Ёшларимизнинг баъзан сохта ғоялар орқасидан эргашиб кетаётгани биз учун энг катта хавф, десам муболага бўлмайди. Шунинг учун ҳам уларни асраримиз, бугунимиз учун, келажагимиз учун сувдек, ҳаводек зарур бўлган миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида жиддий бош қотиришимиз керак. Бешинчидан, миллий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2000. 491-бет  
<sup>2</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2000, 341-бет

ғоянинг яна бир мухим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини, урфодатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак. Олтинчидан, миллий ғоя олдига қўйиладиган асосий талаблар ҳақида гапирмоқчи бўлсак, аввало унинг икки суюнган тоқи - таянчи ҳақида фикр юритишимиз зарур.

Биринчи навбатда, миллий мафкурамиз халқимизнинг азалий анъаналари-га, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, ўз миллий қадриятларимиз, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоқи даркор.<sup>1</sup>

Болаларимиз ўқиётган китобларда маърифат зиёси борми, биз истаётган миллий ғуурур, миллий мафкура, миллий ғоя уларда етарли даражада акс этганми? Ҳозирги вақтда беш миллиондан ортиқ фарзандларимиз мактабларда, турли билим юртларида таълим олмоқда. Уларнинг тарбияси ҳақида ўйлашимиз, ёшларимизнинг баҳтли келажаги учун қайқуришимиз, ёш наслимизни миллий ғоя ва миллий мафкура билан қуроллантиришимиз керакми-йўқми? Мени қийнайдиган нарса шуки, мустақилликка эришгани-миздан буён, мана, тўққиз йил ўтятти, лекин, афсуски, ташвиқот-тарқибот ишларида бизга асос, "қурол" бўла оладиган манба ҳали яратилгани йўқ. Азиз биродарлар, билиб қўйинглар, маънавий, руҳий дунёда ҳеч қачон бўшлиқ бўлмайди. Жамият ҳаётида соғлом ғоя устувор бўлмас экан, албатта ёт, зарарли таъсирлар суқилиб киришга ҳаракат қиласди. Бу - қонуният. Айниқса, бу хавф биз учун ниҳоятда кучли. Чунки, халқимизнинг табиатида соддалиқ, ишонувчанлик хусусиятлари устун. Агар мендан, дунёдаги энг содда, энг

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2000. 466-бет

оқкўнгил миллат ким, деб сўраса, ўзбек миллати, ўзбек халқи деб айтган бўлар эдим.<sup>1</sup>

Шу маънода айтмоқчиманки, четдан таъсир кўрсатаётган мафкуравий тазийклар аслида бизнинг миллатимиз, дину эътиқодимиз учун тамомила зид, аммо улар турли йўллар билан юртимизга кириб келяпти. Чунки, уларнинг орқасида катта куч, катта маблағ турибди. Бу кучларнинг мақсади - тинчлигимизни бузиш, танлаган йўлимиздан қайтариш, ўз таъсирини ўтказиш, Ўзбекистонга ҳукмронлик қилиш.<sup>2</sup>

Мафкуранинг ҳаётийлига унинг халқ табиатига, турмуш ва тафаккур тарзига нечоғли мос бўлиши, энг муҳими, жамиятнинг миллий манфаатларини, орзу-интилидшарини қай даражада акс эттириши билан ўлчанади. Фақат шундай мафкурагина ҳаёт ва давр синовларига бардош беради, одамлар унга ишониб, ўзининг иймон-эътиқоди сифатида қабул қиласи. Шундагина у энг замонавий қуролдан ҳам кўра кучли руҳий-маънавий қудрат касб этади. Бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар ер куррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катга хавф — инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал киласи. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Миллий ғояни халқ онги ва эътиқодига сингдириш педагог кадрларнинг ғоявий-назарий ва услубий тайёргарлигига ҳам боғлиқдир. Ҳар бир профессор-ўқитувчи, энг аввало, миллий ғоямизнинг тарғиботчиси бўла олиши керак.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2000, 469-бет  
<sup>2</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2000, 470-бет

## 1.2. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни

XXI-аср-ахборот асри, маърифат асри. Шиддат билан ривожланаётган замонамиизда оммавий ахбарот воситаларининг роли ва аҳамияти беқиёслигиги ни изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк даврда ижтимоий ҳаёт соҳасида ҳам мутлақо янги сифат ўзгаришлар даври бошланди. Мамлакат ижтимоий, сиёсий ҳаётида рўй берган туб сифат ўзгаришлар оммавий ахбарот воситалари олдига ҳам мутлақо янги талабларни қўйди. У ҳам бўлса, мамлакат фуқаролари ўртасида кенг қамровли миллий истиқлол ғояларини тарғибот қилиш асосида уларни келажаги-буюк Ўзбекистонни яратишдек олижаноб ишга сафарбар этишдан иборат эди.

Шўролар даврида Ўзбекистонда фаолият қўрсатган оммавий ахборот воситалари ўз миллий заминидан узилган эди. У ўзбек халқига, Ўзбекистонга хизмат қилмас эди. Оммавий ахборот шўролар замонида коммунистик мафкура дастёри сифатида меҳнаткашлар онги ва дунёқарашида тобелик, қарамлик ва қулик ғояларини тарғиб қиласар эди. “Мамлакат марказий идораларида ҳам муайян кучлар ўзларининг ғаразгўйлик мақсаддарида бундан фойдаландилар. Оммавий ахборот воситаларида халқни далил-исботсиз таҳқир этиш, айрим ҳалол меҳнаткашларни маънавий эзиш, қўшиб ёзишларни ташкил этган шахслар билан бир қаторда минглаб оддий ижрочиларга қарши ялпи жазолашларнинг авж олдирилиши халқнинг дарди устига чипқон бўлди”<sup>1</sup>.

Мустақиллигимизнинг илк онларидан бошлаб, бундай холат бизга тўғри келмаслиги билиниб қолди. Бу хақида И.А.Каримов «Эркин ва ва мустақил оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама ривож топиши лозим. Улар ҳақли равищда ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи бўлмоғи даркор»<sup>2</sup> деб ўз нутқларида таъкидлаб ўтган эди. Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари ҳар бир инсон ўз фикрини ифода эта олишга имкон берадиган эркин минбар

<sup>1</sup> Ислом Каримов, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида". Т.: "Ўзбекистон", 2012 йил, 174-175-бет  
<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон 21 асрга интилмоқда -Т.: Ўзбекистон, 2000. -174 б.

бўлиши керак. У мамлакат фуқаролари ҳаётида ҳар томонлама муҳим роль ўйнаши лозим. Келажаги буюк мустақил демократик жамият қуришда фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий хуқуқий ва маданий онгини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этади. Зоро, оммавий ахборот воситалари миллий истиқбол учун жамиятни демократлаштириш ва келажаги буюк Ўзбекистонни тараққий эттиришнинг ўткир қуроли эканлиги исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир. «Тўртинчи ҳокимият» ҳисобланган оммавий ахборот воситалари мустақиллик шароитида турли хил фикрлар, ранг-баранг қарашлар ва ёндошувларга кенг йўл очиб бериши лозим, бу ўз навбатида тармоқ олдига янгича фикрлаш давр билан ҳамнафас одимлаш талабини қўйди. Бу борадаги амалий ишлар мустақилликдан олдин «Ўзбекистон Республикаси давлат тили тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш билан бошланди. Иттифоқ қонунларида ва Ўзбекистон ССР Конституциясида оммвий ахборот воситлари ҳақида хеч қандай сўз йўқ эди. Шу жиҳатдан 1992 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Конституциянинг 67-моддаси оммавий ахборот воситалрига бағишланади.<sup>1</sup> Бу ишлар оммавий ахборот воситалари борасидаги қонунчиликни яратишда илк қадамлар эди. Бинобарин, давлатимизнинг асосий Қонунида бу қоида бежиз қайд этилмаган. Конституцияда келтирилган жумлаларда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш, эркинлик кўрсатиш, уларни садоқат билан хизмат қилиши кераклиги алоҳида уқтирилган.

Кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги нуфузи ва таъсирини ошириш, шубҳасиз, демократияга асосланган хуқуқий онгли фуқаролик жамиятини қуришда муҳим аҳамият касб этади. Ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашда хукуматимиз, жамоатчилик муҳим ишларни амалга оширмоқда. Зоро, Президентимиз «Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар, сиёсий кучларнинг манфаатларигигина хизмат қиласиган,

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси –Т: Ўзбекистон, 2002. -13 б.

олис яқин манбалардан тарқатиладиган, турли маъно мазмундаги мафкуравий қучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшайди. Ахборот асри, электротехника асри деб аталган XX-асрнинг ниҳоясида бугунги давримизда бу таъсирдан холи бўлиш деярли имкониятсизdir. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан кўпроқ кучга эга»<sup>1</sup> деб бекорга таъкидланмаган. Юқоридаги фикрларни мулоҳаза қиласр эканмиз, жамиятни шакллантиришда, фуқароларнинг саводхонлигини оширишда, оммовий ахборот воситаларнинг хизмати бекиёс эканлигига амин бўламиз.

Жамият ижтимоий-иқтисодий, ахборот ва технология жихатдан қанчалик тарққий этмасин хар бир тарихий давр инсон маънавий-маърифий камолоти, ёшлар тарбияси борасида янгидан-янги, муракаб масалаларни қўндаланг кўяверади. Инсоният пайдо бўлибдики, бу муоммо барча даврларда олим-у фузало, файласуф ва сиёsatшунос, тарбиячи ва мураббийлар диққат марказида бўлиб келмоқда. Глобаллашув жараёни таъсирида мазкур масала янада кескин тус олмоқда. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакат мустақиллигини мустахкамлаш, унинг иқтисодий, ижтимоий ва хуқуқий асосларини яратиш билан бирга маънавий-маърифий ва таълим тарбия соҳаларни ислоҳ этиш, ёшларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, бозор иқтисодиёти шароитида бемалол рақобатлаша оладиган, замонавий билимларни пухта эгаллаган юксак ақл заковат соҳиблари этиб вояга етказиш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. 2008 йил “Ёшлар йили” 2010-йилни “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши сўзимизнинг исботидир.

Юртимизда фарзандларимизнинг ақл салоҳияти, қобилияти ва иқтидорини рўёбга чиқариш уларнинг том маънода баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, ёшларимизнинг талаб эҳтиёжлари ҳамда манфаатларини қондиришга қаратилган. Хўш, унда оилада, кейин эса ўкув даргоҳида талим-

<sup>1</sup>.Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси ҳалқни-ҳалқ, миллатни миллат қилишга хизмат килсин. -Т: Ўзбекистон, 1998. -6 б.

тарбия олган, шу юртнинг нон-тузини еб улғайган айрим ёшларнинг ғайри инсоний ҳатти-ҳаракатларини, Ватан ва халқига хиёнат йўлига кираётган, азалий қадриятларимиз, муқаддас динимизни оёқ ости қилиб, ўз юргига, ватандошлирига азият етказаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Бу муоммонинг илдизи қаерда ўзи? Биз бу кенг қамровли, мураккаб масалаларнинг фақат биргина жиҳати: глобаллашув жараёнининг ёшлар тарбиясига салбий тасири хусусида сўз юритмоқчимиз.

Бу жараён ҳақида гап кетганда, кўпинча турли мамлакатларнинг иқтисодий, илмий техникавий, ҳатто сиёсий интеграциялашуви, унинг ижобий ва салбий жиҳатларига эътибор қаратилади. Лекин нима сабабданdir унинг маданий -маънавий соҳа ривожига, умуминсоний ҳамда миллий урф-одат ва анъаналарнинг хусусан, оиласи қадриятларнинг ўзоро муносабати масаласига таъсири етарли эътибор берилмайди. Ваҳоланки айрим тараққий этган давлатлар сиёсий, иқтисодий ҳамда мафкуравий воситалар орқали ўз турмуш тарзи дунёкараши ва қадриятларини тарғиб этишга интилаётгани, бу ҳол бошқа халқларнинг миллий урф-одат ва анъаналарига путур етказаётгани, асрлар давомида шаклланиб, тажрибада синалган тарбия усулларнинг фақат ғарбона андозалар билан баҳоланаётгани кўзга ташланмоқда.

Бундан бир неча йил илгари таниқли сиёsatшунос С.Хантингтон бундан буён бутун дунё фақат гамбургерлар истеъмол қилади, Америкада чоп этилган китобларни ўқииди, Америка телевидениясини қўради, Америкача либослар кийишади, деб тахмин қилган эди. Бундай қарашлар замирида қандай мафкурафий мақсадлар ётганини пайқаш қийин эмас. Кейинги вақтда бутун дунё ғарб раҳнамолигида бирлашуви, келгусида ҳукумати битта бўлган ягона давлат ташкил топиши, пулга сифиниши ва индивидуализм фаласафасини тарғиб этаётган қарашлар тизими вужудга келаётирки, улар дунё қиёфасини қай тарзда ўзгартириб юбориши мумкинлигини ҳеч ким тасаввур қила олмайди. Шунга қарамай бундай қарашлар барча воситалар

ёрдамида, хусусан, оммавий ахборот воситалари интернет ва хатто ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар, кинофильм ҳамда видеофильмлар орқали зўр бериб тарғиб этилмоқда. Лекин бундай қарашлар миллий тафаккуrimиз, урф-одат ва анъаналаримизга қанчалик мос келади? Биз глобал интеграцияга эришиш учун ўзига хослигимиз, анъана ва қадриятларимиздан воз кечишимиз керакми? Унда мустақиллигимиз, миллий ўзлигимиз ва халқимиз тақдири нима бўлади?

Чиндан биз ўта мураккаб зиддиятларга тўла ахборот асрида яшаяпмиз. Замонавий ахборот технологиялари, бир томондан жаҳон халқларининг иқтисодий ижтимоий, маданий-маърифий тараққиётига ҳамда сайёрамиз тақдири учун масъулиятни англаган умумжамоага хизмат қилаётган бўлса, иккинчи томондан, дунёning парчаланиши ва жаҳон майдонида ўзаро кескинликнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Дунё миқёсидаги алоқаларнинг кучайишида айниқса, Интернетнинг ўрни бекиёсdir. Бугун дунёни тўр сингари ўраб олган Интернет тизими орқали истаган одам ҳар қандай маълумотни қабул қилиши ёки узатиши мумкин. Одам боласи табиатан янгиликга, ахборотга ташна экан ўз эҳтиёжларни қондиришда бутун дунё хабарномаси бўлган интернет кейинги йилларда қўп маъқул ва номаъқул оқибатларга олиб келмоқда. Интернет бирор бир давлат қонунларига бўйсинмайди ва ҳеч кимга ўз фаолияти учун ҳисоб бермайди. Янги ахборот маконида маълумотлар жуда катта ҳажмда жойлаштирилади ва яшин тезлигида тарқалади. Яна бир муҳим янгилик эфир орқали узатиладиган материалларни тайёрлаш жараёнига замонавий рақамли ва мултимедиа технологиялари жорий қилинаётганида намоён бўлмоқда. Юртимизда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 6 миллиондан ортиб кетгани ҳам буни тасдиқлаб турибди<sup>1</sup>. Албатта, унинг кишилар дунёқарashi, билими ва

<sup>1</sup> Каранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 30-31 б.

савиясининг кенгайишидаги аҳамиятини инкор этмаймиз. Лекин худди шу тизим орқали оддий ахлоқий меъёрларга зид порносайтлар ўрин олгани, ушбу замонавий ахборот технологияси маҳсулидан трансмиллий жинояткорона гурухлар, террорист ва ақидапарастлар ҳам бемалол фойдаланаётганини кўздан қочириб бўладими?

Интернет шароитида давлат чегаралари очик қолади. Албатта, ҳар бир мамлакат ўз чегараларини имкони борича ҳимоя қилишга ҳаракат қиласи. Масалан, Хитой ва Индонезия биринчилар қатори интернет хабарлари учун турли филтрларни ўрнатдилар. Лекин бу борада биз ишончли йўл кенг аҳоли қатламида Ўзбекистон манфаатларига зид ахборотга нисбатан иммунитет ҳосил қилишдир. Агар интернет тармоғидаги сайтларни вараклаган фуқарода Ватан туйғуси, ўз ҳалқига нисбатан эътиқоди мустаҳкам бўлса, ҳар қандай бўхтон ва тўқималарга ишонмайди Иммунитетга эга, иймони бақувват, ғурури баланд, сиёсий маданияти етук инсонларга ёт ғоялар таъсир ўтказа олмайди. Ёки телевидениянинг айрим каналлари орқали ғарб компаниялари маҳсулотлари узлуксиз тарғиб этилаётгани қандай мақсадни кўзлайди? Нима сабабдан юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар reklamasи кўнгилдагидек эмас? Биз аввало, мамлакат иқтисодий қурдатини мустаҳкамлашга бел боғлаган тадбиркор ва ишбилармонларимизни қўллашимиз лозим эмасми? Ёки биз учун ғарб компанияларининг манфаатлари афзалроқми? Телекоммуникация соҳасидаги муаммоларнинг яна бир жиҳатига эътобор қаратмоқчимиз. Маълумки, бугун нафакат шаҳарда, балки қишлоқ жойларда ҳам кабел телевиденияси ёки маҳсус антенналар воситасида Россия ва бошқа мамлакатлар телевидениясида шарқона ахлоқ-одобга зид фильмлар ва кўрсатувларни кўраётган ёшларимизда миллий ғуур ва ватанпарварлик туйғулари шаклланиши мункинми?

Бир тасаввур қилиб кўринг Ғарб оммавий маданияти, баъзан инсоннинг тубан иллатларини жунбушга келтирадиган поп ва рок мусиқага маҳлиё бўлган айрим ёш йигит-қизларимиз халқимизнинг бебаҳо маънавий

дурдоналари, дунёда қиёси йўқ мумтоз қўшиқ санъатимиз, лапар ва айтишувлар, бетакрор мусиқавий оҳангларимизни тинглармикин? Бугун ёшларимиз ғарб эстрадаси юлдузларини, хатто “юлдузчалар”нинг ҳам исми шарифи, ишқий саргузаштларию-ҳаёти кечинмаларини беш қўлдай билади. Аммо “Шашмақом”дан биргина куйнинг номини сўрасангиз ёхуд Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ал-Хоразмий каби улуғ аждодларимизнинг жаҳон илм фани маданияти ривожига қандай ҳисса қўшганини билмоқчи бўлсангиз бепарво тураверади.

Биз тараққийпарвар инсоният эришган жамийки ютуқлар, миллатимиз ривожига хизмат этадиган умуминсоний қадриятлар ва демократия тамойилларини инкор этишдан йироқмиз. Биз фақат асрлар оша сайқал топиб келган миллий урф-одат ва анъаналаримиз умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашуви лозимлигини таъкидламоқчимиз холос. Шунингдек, халқимизнинг неча асрлик маданий-маънавий мероси, урф-одат анъаналарини тарғиб этибгина қолмай бошқа миллату-элатлар қадриятлари ва оиласидан анъаналарини ўрганиш ўзга халқлар таълим тарбия тизимида рўй берётган ижобий ва салбий ўзгаришларни таҳлил этиш юртимизда оила институти-нинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий асосларини янада мустаҳкамлаш учун ёшларимизни зийрак ақл фаросатли, доно илм маърифатли, ватанимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашига фидокорона хизмат қиласидиган этиб тарбиялашга замин яратган бўлар эди.

Хозирги кунда ижтимоий-сиёсий тизимнинг янгиланишида, фуқаролик жамиятини барпо этишни янада чукуррок таҳлил этишда ОАВ нинг ролини ҳам назарий, ҳам амалий тарзда ўрганиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. «Ахборот асли» дея номланган XXI асрда ОАВ вазифалари ва улар билан боғлик ижтимоий-сиёсий муаммоларни ўрганишни давр тақозо этмоқда. Шунуқтаи-назардан, жамиятимизда эркин фикрлилик, ОАВ орқали жамоатчилик назоратини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, «Ҳозирги даврда матбуот, оммавий ахборот воситалари шундай қудратли кучга айланмоқдаки, ўз келажагини ўйлайдиган халқ ва миллат буни сезмаслиги, ҳис қилмаслиги мумкин эмас»<sup>1</sup>. Оммавий ахборот воситаларининг энг фаол таркибий қисмларидан бири телевидения ўзида намойиш этилаётган кўрсатувлар, дастурлар, жамиятдаги мавжуд муаммоларнинг нечоғлик акс этиши билан ва кишилар онгига қай даражада катта таъсир қилиш каби хусусиятлари билан ажралиб туради.

Телевиденияда воқеликни бир ёқлама ёритилиши баъзан ижтимоий-сиёсий бекарорликка олиб келиши, турли зиддиятларга сабаб бўлиши ҳамда салбий натижаларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам давлатимизда оммавий ахборот воситаларининг фаолияти қонун билан қатъий белгиланган. Унинг 7-моддасида «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура килишга йўл қўйилмайди. Эълон қилинаётган хабарлар ва материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек, уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай назардан олиб қолинишини талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ»<sup>2</sup> деб қайд этилган.

Телевидения имкониятининг кенглиги шуниси билан ҳам аҳамиятлики, унда нафақат кўрсатувлар, балки эфирга узатилаётган кўнгилоchar дастурлар, кинофильмларда жамиятнинг муайян муаммоларига эътибор қаратилади, шу билан бирга унинг савияси жамиятдаги аксарият кишиларнинг қизиқиши ва дунёқарашига мос келади. Яқин тарихдан ҳам шуниси маълумки, муайян жамиятдаги ижтимоий муаммолар теледастурларда, хужжатли ва бадиий фильмларда ўз аксини топади.

Президентимиз И.А.Каримов "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарида "Маънавий ҳаётимизда бошланган ишларни давом эттирамиз. Ошкоралик таъминланади. Матбуот, радио, телевидения воситасида одамларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга эришиш

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч» – Тошкент: Маънавият. 2008, – 8 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Конунлар тўплами. – Тошкент.1999.

тадбирларини кўрамиз. Бу йўлдаги ҳамма тўсиқлар, тазийклар олиб ташланади”<sup>1</sup> – дея қаттий ўз фикрини баён этади.

Маълумки, мамлакатимизда давлат телевидениялари билан бир қаторда хусусий телеканалларнинг фаолият олиб боришига имконият яратилди. Бу телеканаллардаги дастурлар ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий каби бўлимларга бўлинади. Унда жамиятимизнинг барча жабхалари акс этган телекўрсатувлар намойиш этилади. Юқорида айтиб ўтилган телеканаллар бугунги кун томошабинларини нечоғлик қониқтириши ҳакида Республика “Ижтимоий фикр” Жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази олиб борган тадқиқот натижаларининг айримларига эътиборимизни қаратамиз<sup>2</sup>.

“Телеканалларда намойиш этилаётган кўрсатувлар нечоғлик сизни қониқтиради?” деган саволга респондентларнинг 47,5 фоизи қониқтиради, 36,1 фоизи аҳамиятли, 6,0 фоизи, аҳамиятга эга эмас, 10,4 фоизи эса жавоб беришим қийин деган жавобларни айтиб ўтишди.

Аксарият замонавий ёшлар (83.6 %) телевидения киши дунёқарашига катта таъсир кўрсатади деб таъкидлашди. Уларнинг бор-йўғи 4.0 фоизи телевидениянинг аҳамиятга эга эканлигини инкор килишади. “Телекўрсатувларнинг аҳолига салбий таъсири борми?” деган саволга респондентларнинг деярли учдан бир қисми (31.6 %) “бундай кўрсатувлар йўқ”, 16,0% “бундай кўрсатувлар учраб туради”, 10,9% “бундай кўрсатувлар кўп”, 10,7% “жуда кўп”, 30,8% респондентлар эса “жавоб беришга қийналаман” дейишган.

Ижтимоий муаммоларни телевиденияда акс этишини тадқиқ этиш асосида қуйидагича фикрларни таснифлаймиз:

Хуқуқий ахлоқий муаммолар; жиноятчилик, гиёхвандлик, одам савдоси каби иллатлар кўпинча “Ўзбекистон” канали ва “Ёшлар” телеканалларининг ижтимоий сиёсий дастурлари орқали ёритилади.

<sup>1</sup> Ислом Каримов, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида". Т.: "Ўзбекистон", 2012 йил, 432-бет.

<sup>2</sup> Молодёжь Независимого Узбекистана (социологическое исследование). – Тошкент, 2010. – С. 50.

Оилавий диний муносабатларга доир; ота она ва фарзанд, кайнона-келин, түй-хашамлар, урф-одатлар каби масалалар маданий маърифий дастурларда намойиш этилади.

Ахлоқсиз хатти ҳаракатлар ва меъёрлардан оғиши ҳоллари кўпинча хусусий телеканалларда узатиладиган мусиқий клиплар ва кинофильмларда учраб туради. Шунга қарамай, юқоридаги тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, мамлакатимизда фаолият юритаётган телеканаллар ўз телетомошибинларига эга. Уларда намойиш этилаётган кўрсатувларга кўпчилик томашабинлар бефарқ эмаслар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, телевидения айнан тезкорлиги, холислиги билан жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ошкора ва очиқлигини амалий жихатдан таъминлаб, томошибинларга информация билан бирга маънавий-маърифий озуқа беради.

### **1.3. Оммавий ахборот воситалари миллий ғоянинг ҳаётга тадбиқ**

#### **этишда муҳим восита**

Ёшларимизда ишончни, мустақил, ижодий фикрлашни шакллантириш, Ватаннинг тақдирига масъуллик ҳиссини ривожлантиришдир. Ва, албатта, бизга ёт бўлган одатлар ва қарашларга нисбатан событ эътиқодни яратишдир. XXI асрда Ўзбекистонимизни тараққий этган жаҳоннинг пешқадам давлатларидан бирига айлантириш учун эса ўзимизда, фарзандларимизда метин мафкуравий эътиқод, умуммиллий бирлик бўлмоғи керак. Олий ўқув юртларида жорий қилинган янги ўқув фани - «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» ана шу бирликни, эътиқодни шакллантиришга қаратилган ўта муҳим ва долзарб восита бўлиб хизмат қиласди. Миллий ғоянинг ҳаётга тадбиқ этишда ёшларимизга хос: ўзини ўзи такомиллаштиришга интилиш, ўқиши ўз келажаги билан боғлаш (ўқишига кириш, касб танлаш); баъзан хатти-ҳаракатларда тажрибасизлик туфайли учраб турувчи бекарорликда, ўз-ўзини англашнинг янги босқичга кўтарилишида, ўзининг «Мен»идаги ютуқлар билан бирга камчиликларини ҳам англай бориш, туйғулар етакчилигининг босила бориши, илгари тенгдошларидан излаган намунани энди катталар орасидан қидира бошлиши, ўзини катталар сингари ҳис қилишга мойиллик, самимий ҳамфир қидириш ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олиш ва уларга таяниш лозим.

Маълумки, миллий ғоянинг ҳаётга тадбиқ этиш бирданига юз бермайди. У миллий манфаатлар устуворлиги нуқтаи назарини шакллантириш ҳамда талабаларни янги, холис тарихий билимларга эга бўлишлари билан амалга ошади. Таълим муассасалари ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишида ёшларнинг сиёсий қарашларини шакллантирадилар ҳамда уларда ёт мафкураларнинг кўринишларига фаол муросасизликни тарбиялайдилар. Бунда тарихий материаллардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. “Мен яқинда бир манбада ўқидим: ўша ўрта асрларда ҳам дин аҳкомларини ўз ғаразли манфаатлари йўлида нотўғри талқин қилган турли оқимлар бўлган

экан. Мотрудий ва Марғиноний каби диний ва дунёвий илмлардан чуқур бохабар бўлган алломаларимиз сиёсий мақсад йўлида дин моҳиятини бузиб кўрсатган бундай оқимларга қарши ўз сўзини, ўз муносабатини билдирган, уларнинг қиёфаларини очиб ташлаган. Шу мавзуда китоблар ёзиб қолдиришган”<sup>1</sup>.

Албатта, бу масъулияти ишда профессор-ўқитувчиларнинг шахсий намунаси, маънавияти, ҳаётга бўлган ғоявий-сиёсий муносабати катта рол ўйнайди. Бунинг учун ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари замонавий ёт ғоя, мафкуралар кирдикорлари тарғиботининг умумий мақсад-ниятларини билишлари катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ёт мафкуравий қарашларни танқид қилишга саёз ёндашиш, соддалаштиришнинг олдини олишга ёрдам берди. Замонавий мафкуравий кураш хусусиятларини, душман мафкурасининг мунофиқлигини ҳисобга олиш, бузғунчилар таянадиган асосларни далил-исботлар билан фош қилиш имконини берди. “Бу кабих кучларнинг яна бир нияти - ёшларимизнинг бугунги ижобий ҳаётий интилишларига зарба беришдан иборат. Чунки, уларга ёш авлодимизнинг тараққиётга интилиши, ҳаётга бошқача, замонавий кўз билан қарashi ёқмайди. Уларнинг мақсади - бугунги энг тараққий топган давлатлар билан ўрнатган алоқаларимизни узишга, ёшларимиз тарбиясини издан чиқаришга, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини йўкка чиқаришга қаратилган”<sup>2</sup>. Миллий ғоя ва миллий манфаатга зид, ёт ҳаракат ва интилишларни биз асло қабул килмаймиз.

Бизнинг тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доираларда қолиб кетяпти, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб боролмаяпти, тажрибасиз, билими, дунёқарashi чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти. Натижада улар бизга ёт бўлган ташқи таъсирларга, бузғунчи ғояларга кўр-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2000, 16-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 200016-бет.

кўрона берилиб, ҳатто ўз ота-онасига, ҳалқи ва Ватанига қўл кўтарувчи ёвуз қотилларга айланмоқда.

Биз барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, ғояга қарши ғоя билан курашиш тарафдоримиз. Афсуски, мутаассиб, насл-насабини унуган кимсалар билан ғоявий мунозарага киришишнинг ўзи бир азоб. Чунки, уларнинг онги шу даражада заҳарлаб ташланганки, улар миясига ўрнашиб қолган ақидадан ўзга бирон-бир ҳақиқатни тасаввурига ҳам сикдира олмайди. Агар улар билан баҳсга киришмоқчи бўлсангиз, иккита саволга жавоб беради-ю, кейин қотиб тураверади - учинчи саволга жавоб беришга на билим бор, на идроқ, на ҳаётий тажриба<sup>1</sup>. Ҳар бир фуқаро, йигит-қиз, ўкув гурӯҳи, маҳалла аҳлининг миллий ғоянинг ҳаётга тадбиқ этишдаги фаолиятини беш даражада баҳолаш мумкин.

**биринчи, қуий даража** – фуқаро, ёшлар миллий ғоямиз мохиятидан хабардор эмас;

**иккинчи даража** – хабардор, лекин миллий ғоя чукур англанмаган, кундалик ҳатти-ҳаракат асоси, мотивларига айланмаган;

**учинчи даража** – билимлар бор, лекин улар назарий бўлиб, фуқаро, ёшларимиз уларни кундалик ҳаётда қўллашга қийналадилар;

**тўртинчи даража** – миллий ғоя англанган, ғоявий таъсирни шахсий ва миллий манфаатлар уйғуналигидан келиб чиқиб баҳолай олади: ички ва ташқи сиёсий, мафкуравий таъсирларга қарши асосли салбий муносабат – иммунитетни намоён қила олади, бироқ, бошқаларни бу ишга даъват қилмайди;

**бешинчи даража** – фуқаро, ёшлар миллий ғояни ўз эътиқодига айлантирган ва буни ҳамма жойда, доимо амалда қўлламоқда, бузғунчи мафкуравий, сиёсий ғояларга фаол қарши курашади, бошқаларни ҳам шунга фаол даъват қиласи.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2000, 24-25-бетлар

Миллий ғоянинг ҳаётга тадбиқ этишда юксак даражада шаклланган фуқаро атрофидагиларни ҳам ғоявий тарбиялаш салоҳиятига эга бўлади. Ўзи ва миллати учун бефойда, заарли одатларидан воз кечади. Миллат манфаатларини ўз манфаати, ўз манфаатини эса миллат манфаатига эришиш шарти деб тушунади. Ҳозирги давр оммавий ахборот воситаларии ўзнинг жадал суръатларда ривожланиши билан биргаликда, жиддий муаммоларга ҳам дуч келмоқда. Бундай муаммолар жумласига миллий ғояга зид бўлган ахборот ёки хабарларни тарқатилиши ва манипуляция қилиниши кабиларни келтириш мумкин.

Баъзи бир газета ва журналлардаги сунъий тарзда ҳосил қилинган абстракт, тушунарсиз фикрлаш, манба томонидан ахборот ёки хабарни фақат ўзининг фойдасига бўлган қисмини етказиш, реал фактларни хомаки, нореал хулосалар билан якунлаш, ўз вақтида жавоб бермасдан долзарб муаммони “совутиш” ва бошқалар оммавий ахборот воситаларидаги жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Оқибатда эса бундай ҳолат халқни оммавий ахборот воситаларига ишончини йўқолишига ҳам олиб келмоқда.

Миллий ғояни эл-юрт манфаати ва мақсадлари учун фақат ишонч-эътиқодга айлантиришда оммавий ахборот воситаларидаги субъектлар алоҳида аҳамият касб этади. Оммавий ахборот воситалари фаолиятнинг субъектлари сифатида давлат тузилмалари, оммавий ахборот воситалари, турли катта (корпорация, ассоциация, бирлашма, концерн...) ва кичик (корхона, идора, ваколатхона...) ташкилотлар хизмат қилиши мумкин. Замонавий босқичда, яъни, интернет пайдо бўлганидан кейин, шундай субъект сифатида алоҳида шахслар ҳам фаолият кўрсатиши мумкин. Шундай қилиб, миллий оммавий ахборот воситалари тизимида манфаатдорлик ва ишонч-эътиқод ўзига хос ўрин тутади.

Миллий оммавий ахборот воситалари тизимида манфаатларни англаш билан мафкура шаклланади, албатта. Бироқ, бундай мафкура инсон ва жамият ҳаётида нисбатан пассив даражада амал қиласиган, кўпроқ

манфаатдорликни қондириб, манфаатпарастликни рағбатлантирувчи бўлиб қолади. Мафкуранинг бу даражаси ундаги ғояларни тўла рўёбга чиқариш учун заифлик қиласи. Шу нуқтаи назардан, ғоялардаги манфаатларни англаш - мафкуранинг юзага келиб, инсон ва жамият ҳаётида амал қилишининг муҳим шарти, унга бўлган ишонч-эътиқод шаклланишидаги биринчи ва асосий босқичдир. Демак, манфаатдорлик мафкуранинг шаклланиб, ривожланиш асосини, ишонч-эътиқод эса амал қилишининг фаол даражасини белгилайди. Гояларнинг амалга ошишида айнан мафкуравий ишонч-эътиқод ҳал қилувчи ўрин тутади. Айни пайтда, оммавий ахборот воситалари орқали мафкуранинг ишонч-эътиқодга айланиб, халқчиллашиши ва ундаги ғояларнинг рўёбга чиқиши учун жамиятда кишиларнинг мафкурага амал қилишини рағбатлантирувчи (стимул) расмий сиёсий, ҳуқуқий асос ва шартшароитлар билан боғлиқ реал ижтимоий (муҳит) механизм-руҳий-маънавий мотив ҳам бўлиши лозим. Чунончи, жамиятда маънавият ва маърифатнинг ижтимоий-сиёсий мақоми ҳамда маданиятли кишилар мавқеининг баланд бўлиши, ўз кучи ва билимига таяниб яшайдиган соғлом мафкуравий эътиқодли кадрларнинг қадрланиши, умуман миллий тараққиёт концепциясидаги тамойилларнинг ҳаётда тўла амал қилиши каби омиллар ана шундай мотив-механизм бўлади.

Бугунги кунда жамиятимиз олдида турган эзгу мақсадларни тўла рўёбга чиқариш учун халқимизнинг миллий тараққиёт мафкурасини чуқур ўрганиб, ўзлаштириш ва халқчиллаштириш, ундаги ғояларга нисбатан мустаҳкам ишонч-эътиқодни шакллантириш тақозо этилади. Чунки, , «Биз эртанги кунга-келажакка томон кўзни юмиб, тахминларга асосланиб, таваккалчасига иш тутиб бора олмаймиз. Кишилар ҳозирданоқ биз қайси йўлдан борамиз, ижтимоий-иктисодий, сиёсий муносабатларнинг қандай шаклини яратамиз, ўз тарихий тажрибамизнинг, жаҳон тараққиёти сабоқларининг қайси жиҳатларидан фойдаланамиз, келажакда Ўзбекистоннинг қандай қилиб буюк давлатга айлантирамиз, мустақиллик муаммоларини ҳал

этиш учун нималарга эътиборимизни қаратишимиз керак, деган ўнлаб саволларга жавоб топмоқлари зарур. Агар халқимизни, миллатимизни қизиқтириб келаётган барча саволларга ҳозирданоқ аниқ, илмий асосланган жавоблар, муҳим йўл-йўриқлар бўлмаса, одамлар бунга қатъий ишонтирилмаса, амалий фаолиятимизда хато кетидан хатоларга йўл қўяверамиз. Бу кутилмаган оқибатларни келтириб чиқариши мумкин».<sup>1</sup> Шунинг учун ғоявий-мафкуравий соҳада эришилган ютуқларимизни мустаҳкамлаб, янги босқичларда, изчил тизимли тартибда ривожлантириш ва бу борадаги вазифаларни ижтимоий тараққиётимизнинг асосий тамойиллари, назарий-методологик асослари ҳамда амалий йўл-йўриқларига мувофиқ самарали ҳал қилишда, бизнингча, миллий ғоянинг давлатимиз ва жамиятимиз қурилишига оид юқорида баён қилинган масалалари атрофлича ёритилиши лозим.

Ана шунда: биринчидан, унинг юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қурилишига доир назарий-методологик мазмуни ойдинлашиб, фанлик мақоми ортади ва бу соҳадаги долзарб ҳаётий муаммо ҳамда вазифаларни аниқлаб, ҳал қилиш осонлашади.

Иккинчидан, ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқотнинг самарали технологияларини: конкрет усул, восита, механизmlарини ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш имкониятлари кенгаяди. «Миллий ғояни қандай қилиб кишилар онги ва қалбига сингдириш керак?», деган саволга жавоб янада аниқ бўлади.

Учинчидан, миллий ғоя ва мафкурунинг ижтимоий-сиёсий муносабатлар билан боғлиқ мазмунини, уларнинг индивидуал ва ижтимоий, микро ва макро босқичларда ҳар бир макон ва замондаги ривожланиш характерини содда қилиб тавсифлаш мумкин бўлади. «Негадир миллий ғояни ҳамма билади, лекин мафкуруни тушунмайди» ёки «беш, ўн, йигирма йилдан сўнг ҳаётимиз қандай бўлади?», «биздан кейинги авлодлар қанақа шароитда яшайди?» каби муаммо-масалаларни, илмий асосларда, аниқ-равshan ёритиб,

<sup>1</sup> Туленов Жондор. Диалектика назарияси. –Т. : «Ўзбекистон», 2001. –Б. 290.

одамларда Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт ҳақида реал билимтасаввурларни шакллантириш мумкин бўлади. Зоро, кишиларимизда буюк келажак тўғрисида тасаввурларни шакллантириш ғоявий-мафкуравий ишларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Тўртинчидан, миллий ғоянинг асосий хусусиятларидан келиб чиқувчи назарий ва амалий ишларнинг ғоявий-мафкуравий мазмуни конкретлашади. Яъни, ижтимоий ҳаётимизнинг турли соҳа, йўналиш ва босқичлари ривожланишига доир ғоявий-мафкуравий масалалар дифференциаллашиб, миллий ғояни илмий ўрганиш, ўқитиш ва тарғиб-ташвиқ қилиш вазифалари конкретлашади.

Бешинчидан, миллий мафкура жамиятдаги барча ижтимоий гурух, тоифа ва қатламларга тушунарли бўлиб, одамларнинг унга қизиқишилари, ўрганиб, ўзлаштиришга интилишлари кучаяди. Шу тариқа, у халқчиллашиб, асосида халқимизнинг олий мақсади-Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга бўлган ишонч-эътиқод ётувчи ўзига хос дунёқарашиб, руҳий-маънавий муҳит, маданий-маърифий жараён, ижтимоий-сиёсий шартшароит юзага келади.

Олтинчидан, кишиларимизда миллий ғурур ўйғониб, ижтимоий ҳаётдаги барча ўзгаришларга эл-юрт, Ватан манфаатларидан келиб чиқувчи мустақил фикр, аниқ ҳаётний позиция, масъул ёндошув ва муносабатлар шаклланади. «Чунки, ҳозирги даврда, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда факат ўз фикри, ўз ҳаётний позициясига эга бўлган халқ ва жамиятгина енгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади».<sup>1</sup>

Оммавий ахборот воситаларидаги ахборот ёки хабарни тарқатиш механизми эса катта ахборот тизими орқали амалга оширилади. Миллий ғояни тарғиб этишда ёшлар фаолияти ва оммавий ахборот воситалари трансформацияси келганда айтиш керакки, ҳар бир шахс ва ижтимоий қатлам

<sup>1</sup> Каримов. И.А. Инсон, унинг ҳукуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият. –Т. : «Ўзбекистон», 2005. –Б. 11.

қабул қилған ахборотини ўзининг ёши, ҳаётий тажрибаси, миллати, билими, касби, жамиятдаги мавқеи нуқтаи назарларидан қабул қилиб, ушбу кўрсаткичларга қараб мослаштиради, ёки, бошқача қилиб айтганда, қабул қилинган маълумот маълум бир трансформацияга учрайди. Одамнинг тажрибаси ва билими қанча кўп бўлса, унга четдан туриб таъсир қилиш имкониятлари шунча кам бўлади. Ҳар хил услубларда, барча ОАВда маълум бир фикрни такрорлаш одамнинг остики онгига таъсир этади ва у ушбу фикрга ишонайдиган бўлади. Мазкур жараённи мутахассислар нейролингвистик дастурлаш деб атайди. Агар радио, телевидения ва оммавий ахборот воситаларида айрим давлат, гуруҳ ёки шахс хақида қайта-қайта бирор-бир нотўғри баҳо такрорланаверса, турли мамлакатлардаги ҳалқлар, ҳар хил миллатлар унга ишонадилар. Нейролингвистик дастурлаш учун энг қулай ОАВ телевидениядир, Чунки, у аудиторияга бир пайтни ўзида учта канал орқали ўз таъсирини ўтказади. АҚШ коммуникативистлари телевиденияни хатто транквилизаторга ҳам ўхшатадилар.

Оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган янгиликларнинг кўринишлари ҳар хил бўлади: воқеа, ходиса, рақам, фамилия, лавозимлар, жойлар номлари акс эттирилган хабар, лавҳа, репортаж, маълумотномалар ва х.к. Бугунги кунга келиб янгиликларни етказиш усуллари ғоявий курашнинг катта бир йўналишига айланиб қолди. Ушбу соҳада эса нафақат журналистлар, улар билан бир қаторда сиёsatшунослар, политтехнологлар, иқтисодчилар, психологлар, қисқаси, оммавий ахборотни оммага етказадиган барча мутахассислар устаси фаранг бўлиб кетганлар. Уларнинг маҳорати шу қадар ривожланиб кетдики, янгиликдан, унинг мазмунидан қатъий назар, қандай хулоса чиқариш керак бўлса, шундай тарзда у аудиторияга етказилади. Фактларни эса керакли тартибда тизимлаштириш қийин эмас, уларнинг кетма-кетлигининг ўзи аудиторияга керакли маълумотни беради ва ахборот етказувчи учун зарур бўлган дунёқарашни шакллантиради.

Оммавий ахборот воситаларидағи ахборий қарама-қаршиликнинг мақсади – дунёвий (глобал) ахборот майдонида миллий манфаатлар химоясини таъминлаш. Мазкур масқадга эришиш эса турли мамлакатлар томонидан турлича амалга оширилади: технологик кучли давлатлар хукмронлик қилишга интилади, ривожланаётган давлатлар эса ўзини ҳимоялашга ҳаракат қиласи. Иккала томон ҳам ўзига қулай келадиган усуллардан фойдаланади.

Аммо шуни ҳам айтиш керакки, технологик жиҳатдан кучли давлатнинг ахборий хужуми бошқа мамлакатлар ахолисига катта психологик заар етказади. Чунки, бундай урушни тўхтатайдиган ва агрессор-давлатга нисбатан чора кўриш учун имконият яратадиган ҳалқаро меъёрий хужжат йўқ. Ривожланган мамлакатлар ушбу вазиятдан кенг фойдаланмоқдалар.

Хорижий ОАВ экспансиясидан ҳимояланиш учун энг қулай чоралардан бири – маҳаллий ОАВ. Ўзбекистон шароитида бунинг учун миллий газета, радио ва телевидениямизнинг имкониятлари бор, фақат улардан самарали фойдаланишимиз зарур. Бунинг учун бош омил ва мустаҳкам фундамент – миллий истиқлол ғоясидир. “Биз даврий нашрларнинг структурасига яна ҳам синчковлик билан назар солишимиз, шу структурани демократиялашимиз, бир қанча янги газета ва журналларни нашр этишимиз керак. Марказдаги оммавий ахборот воситалари билан ўзаро муносабатлар тартибига янгича баҳо бериб, ана шу воситалар мухбирларининг республикадаги вакиллиги шартларини тайёрлашимиз зарур”<sup>1</sup>.

Ҳар бир ҳалқ ёки миллат тарихий ривожланиб ва шаклланиб келган ва ушбу кўп асрлик жараённинг ўзи қайси бир яшаш усули тўғри ёки нотўғри эканлигини исботлаб берган. Агар устига устак у ёки бу ҳалқقا мана бундай яшанглар, бу тўғри бўлади деб, уни шунга мажбурласа, албатта, бундай зўравонлик, жумладан, “демократик фундаментализм” кўпчилик томонидан қабул қилинмайди. Агар хорижий ОАВ ёки ташкилотлар Ўзбекистон худудида умуминсоний қадриятларни тарқатишга ёрдамлашса, улар

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов, "Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида". Т.: "Ўзбекистон", 2012 йил, 228-бет

ўзбекистонликлар томонидан яхши қабул қилинади. Бунга мисол сифатида мамлакатимизда кўп йилдан бери фаолият кўрсатадиган Конрад Аденауэр ёки Фридрих Эберт жамғармаларини айтиш мумкин.

Инсон бош мия қобигида 14 млрддан ошик нейроллар жойлашган. Уларнинг вазифаси-инсон фаолиятини бошқариш. Ҳар қандай ҳаракат-уларнинг маҳсулидир. Демак унинг ўзини намоён қилиш қобилияти ҳам бекиёсdir. Лекин у ўз ресурсларининг 4-4,5% гина фойдаланади. Шундан 4%-8-11 ёшгача олади, уларнинг охиригача эса-0,5% қабул қиласи. Доноларнинг айтишича, одам миясидаги интеллектуал куч атом ядроидаги бекиёс кучга teng. Гап уни қандай ривожлантириш ва қай даражада ишлата билишдадир. Даҳоларни тарбиялаш ўта мураккабдир, бугунги кунда илм-фан хуносаси ва ҳисоб-китобга кўра инсоният тарихида 400 га яқин кишилар даҳолар сифатида тан олинган, халос. Ҳар қандай даҳо гуруҳда тарбияланади, у гуруҳнинг фикр-мулоҳазасини ўзида акс эттиради, уни мақсадга элитища бирлаштирувчи куч сифатида хизмат қиласи.

Ф. Тейлор-фикрича, тарғибот-шахсларнинг коммуникациясида, алмашувида муҳим ўрин тутадиган воситадир. Тарғибот-бу шахсий ғоя ёки мафкурани алоқа орқали кўпчиликнинг ёки якка шахснинг қизиқишини қондириш учун узатиш.

Д. Блэкнинг фикрича эса, тарғиботнинг вазифаси 1 чи ўринда муросага келиш эмас (конформизм), балки тарафдорлар сонини кўпайтиришга қаратилиши керак. Демак муайян гуруҳга таъсир этиш.

Совет даври пропагандасида доктриналар хусусият мавжуд эди: у асосан эшитилаётганга эмас, гапираётганга қаратилган эди (гапиравчи-эшитувчи).

Ҳозирги кунда тарғиботнинг таркибига қуйидаги турлар киради:

1. «Оқ пропаганда»-информация берувчи тўғри ҳақиқий информацияга таянади

2. «Ола пропаганда»-маълумот маънбаи ҳам чин, ҳам ҳато асосларга таяниб иш кўради, информация аниқлиги текширилмаган

3. Қора пропаганда-сохта «марказ» (номалум радиостанция, сохта расмий органлар ёки сиёсий партиялар) олдиндан маълум ёлғон ахборотни тарқатади.

Пропаганда объект (инсон онги, қалби, мафкуравий ва ижтимоий дунёси) ва субъект вақт давомида ўзгарувчан ҳамда муайян ижтимоий фикрни шакллантиришдан манфаатдор бўлади,

Пропаганда салбий маънода бир томонлама таъсирни англатади (гапирувчи-эшитувчи). Бу сўзнинг янги синоними «PR»-аудиторияга катта эътибор қаратиш, жавоб алоқани ўрнатишни талаб қиласди. PR нинг вазифаси-турли ҳатти-харакатларни ва ғояларни тушуниши, йўналтиши, PR ва пропаганда оммавий аудиторияга қаратилган. У ҳам, бу ҳам кўпчиликни қизиқтирувчи ва долзарб муаммолар ва уларнинг бартараф этиш йўллари ва масалаларни ечишга қаратилган. Аудитория-оммовий коммуникация адресати бўлиб ўзаро алоқадаги (масалан талабалар) ёки алоқада бўлмаган (масалан, TV аудитория) шахслар гурухидан иборат. Аудитория ёши, билим даражаси, касбий хусусияти, ижтимоий ҳолати, фаолияти, яшаш жойи ва ҳакозо хусусиятларига асосланиб турланади. Ҳар бир шахс, амалда, эшитувчи, тингловчи, яъни катта макроаудитория аъзосидир.

# **П.БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ХАЛҚИМИЗ ОНГИ ВА ЭЪТИҶОДИГА АЙЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ**

## **2.1. Миллий ғояни халқимиз онги ва эътиҷодига айлантиришда матбуотнинг ўрни**

Оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ҳаётга таъсири ҳақида гап кетганда, унинг кучи жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни кўтариб чиқишида, мавжуд муаммоларга жамият аъзолари диққатини жалб қилишида, давлат органлари фаолиятини назорат қилиб боришида кўринади. Шу маънода у халқни ҳокимият билан боғловчи восита-механизм хисобланади. Мамлакатимизда замонавий техник ускуналар, кенг ва чукур фикрловчи кадрларга эга бўлган, янгича мазмун-моҳият касб этадиган оммавий ахборот воситаларининг фаолияти учун барча шароитлар яратилмоқда: оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий пойдевори барпо этилди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, қонунга мувофиқ иш юритиши, цензурага йўл қўймаслиги (67-модда) алоҳида белгилаб қўйилди. 1996 йил 26 августда Олий Мажлис томонидан «Ноширлик фаолияти тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» қонунлар қабул қилинди. Хусусан, 1997 йил 24 апрелда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», 1997 йил 26 декабрда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларининг демократик жамиятга хос ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

1996 йилнинг май ойидан бошлаб республикамизда жаҳондаги йирик компьютер тизими «Интернет» билан алоқа ўрнатиб, ундан энг муҳим янгиликларни қабул қилиб олишнинг йўлга қўйилгани Ўзбекистон ахборот воситалари тарихида улкан янгилик бўлди. «Интернет»нинг 50 миллион абоненти бўлиб, жаҳондаги энг йирик ахборот марказлари унга аъзо

бўлишган. У бутун дунё бўйича турли соҳалардаги янгиликлар қабул қилиб олади ҳамда ана шу янгиликларни ўз абонентларига тез ва аниқ етказиб беради. 1996 йил 7 майда эса «Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидения ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармон қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Давлат телевидения ва радиоэшиттириш Кўмитаси Ўзтелерадиокомпанияга айлантирилди. Бир сўз билан айтганда, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) мустақилликни мустаҳкамлаш, халққа тезкор ва объектив характердаги ахборотларни етказиб бериш минбарига айланди. Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий истиқлол мафкурасини халқимиз, аввало ёш авлод онгига сингдиришда алоҳида ўрин тутади. «Тўртинчи ҳокимият» ҳисобланган ОАВлари турли хил фикрлар, ранг-баранг қараш ва ёндашувларга кенг йўл очиб бериши, ҳаётимизда юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатини уйғотиши, холислик ва хаққоният тамойилларига таяниб фаолият юритиши лозим.

Оммавий ахборот воситалари жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни хаққоний ёритиш талаб этилади. Негаки, бордию берилаётган хабарлар, айниқса хорижий мамлакат хусусий телерадиокомпаниялари томонидан узатилаётган нохолис кўрсатув ва эшиттиришлар фуқаролар сиёсий онгига бошқача таъсир этиши мумкин. Шу боисдан ҳам Президентимиз Ислом Каримов 2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан 14 майда Оқсаной қароргоҳида, 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун ўтказилган матбуот анжуманларидаги баёнотлар ва муҳбирларнинг саволларига жавоблари ҳар қандай инсонни бефарқ қолдирмайди<sup>2</sup>. Албатта буни талаба-ёшлар сиёсий онгига етказиш бугунги куннинг талабидир. Ҳаётийлик бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига қўйилаётган асосий талаблардан

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: Ўзбекистон, 2005 – 160 б.

биридир. Берилаётган ахборотларнинг асосан ютуқларни кўрсатиш, мақтovлардан иборат бўлиши тарғиботга қанчалик фойдали ёки заарли эканини ўйлаб кўриш лозим. Ҳаёт бор экан, муаммолар, камчиликлар, нуқсонлар бўлиши табиий. Бу исбот талаб қилмайдиган аксиома. Шундай экан, муаммоларнинг мавжудлигига фожеа сифатида эмас, одатдаги нарса деб қарашга ўрганиш керак. Уларнинг борлигини кўриб, ўзини кўрмаганликка олиш билан фақат зарар келтириши мумкин. Демак, муаммоларни ўз вақтида тан олиш, уларни ҳал қилишга киришиш лозим<sup>1</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тарғиботнинг негизида фақатгина гояга ишонч эмас, гояни тарғиб қилаётган инсонга ишонч ҳам ётади. Шу боис, мақташ тарғиботнинг ягона ва ҳатто энг тўғри усули ҳам эмас. Демак, мафкуравий ҳаётни фақат мақташ, уни бенуқсон тасвирлаш орқали тарғиб қилиш мумкин эмас. Масалан, АҚШ фуқароларида демократик тамойилларнинг бир оз қадрсизланиши кузатилган эди. Мутахассислар томонидан мазкур муаммоларнинг турли ечимлари таклиф қилинди, лекин тарғиботнинг бир оз ноанъанавий усули танлаб олинди. Яъни демократия камчиликлари ошкора айтилди, унинг баъзан «ишламаётгани» очиқ танқид қилинди ва унга муқобиллар сифатида коммунизм ва монархия тарғиб этилди. Тарғиботнинг бу усули қутилган самарани берди: одамлар «ёмон бўлса ҳам, демократиядан кўймасин», - деган фикрга келдилар ва демократиянинг ашаддий химоячиларига айландилар.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бундай информацион қўпурвчиликдан мақсад - мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазиқ үтказиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилишдан иборат. «Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласидаги баъзи фикрлар ҳам бугунги ҳуружларнинг мақсадини ойдинлаштиради. Йирик сиёsatчи, Буюк Британия собиқ Бош вазири Маргарет Тетчер: «Оммавий ахборот воситалари

<sup>1</sup> Эргашев И. ва бошталар. Миллий истиқлол гояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. – Т.: Академия, 2005, 305 – 310 – бетлар.

- террорчилар учун кислород вазифасини ўтайди», - деган эди. Бу гапнинг мағзини чаққан одам «оммавий ахборот воситалари террорчилар учун ҳаводек зарур экан», деган хulosага келади. Зеро, уларнинг мақсадлари - ўлдириш эмас, жамоатчиликка кучли таъсир қилишdir. Таассуфки, баъзи оммавий ахборот воситалари ўзлари билмаган ҳолда терроризмнинг бузғунчилик, кўпорувчилик таъсирини янада оширишга «хизмат» қилиб қўядилар. Уларнинг террор оқибатлари ҳақидаги ваҳимали ахборотлари инсонлардаги кўркувни, даҳшатни, ҳимоясизлик ҳиссини янада кучайтириб юборади. Бу каби ахборотларга қарши бугунги кунда тарғиботни кучайтириш зарурий эҳтиёжга айланмоқда.

Миллий ғоя демократик жамият шаклланишининг омили сифатида ижтимоий-фалсафий таҳлили, унинг тарихий илдизларига эътибор қаратишни тақозо этади. Зеро, кишилик жамиятининг минг йиллар давомидаги тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, маънавиятсиз, кучли ва изчил миллий ғоясиз, соғлом мафкурасиз ҳар қандай ижтимоий тизимнинг ривожланиши мумкин эмас. Миллий ғоянинг ижтимоий ҳаётдаги роли, уларда илгари сурилган гояларнинг таҳлилига алоҳида тўхталмасдан биз қуида кўпроқ эътиборимизни миллий ғояни халқимиз онги ва эътиқодига айлантириш – мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуришнинг мухим омили масаласига қаратишни лозим топдик. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ўзининг “Кучли давлатдан кучли жамият сари” асарида, “Биз XXI асрда яшайдиган янги уйимизнинг пойдеворини қуришни бошладик, холос. “Ўзбекистон янги аср бошида” деган узоқ муддатга мўлжалланган, кенг қамровли ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш вақти келди. Бу дастурда ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватандошимизнинг бугунги ва келажак манфаатлари ўз ифодасини топиши лозим”<sup>1</sup>, - дейди.

Бинобарин, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишнинг асосий воситаси бўлган миллий ғоя ана шу дастурнинг асосий негизларидан биридир. Унда

<sup>1</sup> Каримов И. А. Кучли давлатдан кучли жамият сари.-Т.: Шарқ, 1998.-Б. 31.

илгари сурилган ғоялар мамлакатимизнинг кучли миллий давлатчилигимиздан, жаҳон тан олган кучли жамиятга ўтишнинг, демократия йўлидаги тараққиётнинг объектив зарурияти, қонуний ҳосиласи, Ўзбекистон фуқароларининг миллат ва этиқодидан қатъий назар мақсад муддаоларининг ифодасидир. Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш назариясининг асосчиси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов фикрларидан хулоса қиласиган бўлсак, унинг учун қўйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим.

Биринчидан, қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонунларга сўзсиз итоат этиши.

Иккинчидан, бой миллий маънавий меросимизга таяниш.

Учинчидан, жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш ва демократлаштириш.

Тўртинчидан, кишиларнинг эркинлиги ва манфаатларини ҳимоя қилиш.

Бешинчидан, демократик жамият шаклланиши жараёнида нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг, жамоат бирлашмаларини ролини ошириб бориш.

Олтинчидан, демократик жамият барпо этишда маҳалла ижтимоий институтининг ролини ошириб бориш.

Еттинчидан, демократик жамият шаклланиши жараёнида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш ва адолат тамойилининг қарор топиши.

Миллий ғоя ривожланиши кучли жамият шаклланиши жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, миллий ғоянинг ривожланиши миллат маънавий тараққиётининг даражаси билан ҳам белгиланади. Демак, миллий ғоя ва миллий мафкура баркамол ижтимоий онг ва умуман маданиятнинг ривожланишининг маҳсули сифатида юзага келади ҳамда демократик жамият тараққиётига хизмат қиласи. Миллий ғоя халқнинг ўзлигини англатувчи, миллий ҳис-туйгуларини уйғотувчи, миллий ғурур ва ориятини қўзғатувчи, унинг қадр-қимматини тикловчи, ижодкор ва яратувчанлигини руёбга чиқарувчи, жамият тараққиётини инсонпарварлик йўналишига етакловчи куч

сифатида намоён бўлади. Миллатнинг, давлатнинг, юртнинг қадр-қийматини юксалтиради, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маънавий салоҳиятини юзага чиқаради. Шу маънода, миллий ғоя ўзбек миллатининг ўзига хослиги нимада эканлигини асослаб берувчи назарий ва фалсафий қарашлар тизимиdir<sup>1</sup>.

Миллий ғоянинг асосий таянч нуқтаси ҳам, ҳаракатга келтирувчи, уйғотувчи кучи ҳам миллий ўзликни англашдир. Миллат ўзини ҳалқ сифатида, миллат сифатида, эл сифатида англамагунича унинг обруи, қадр-қиммати, ор-номуси ҳақида қайғуриши, миллий фахр ва ғурури ҳақида курашиши мумкин эмас. Ўзликни англаш ҳалқни ғафлатдан уйғотувчи, фаол ҳаракатга келтирувчи, ижтимоий уюштирувчи кучдир<sup>2</sup>.

Миллий ғоя демократик тамойиллар асосида шаклланаётган миллий тараққиётимиз қонуниятларига ва манфаатлар уйғунлигига мос келиб, мустақилликни мустаҳкамлаш ва уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш омили сифатида, инсон онгини бошқаришни эмас, аксинча, уни бунёдкор ғоялар сари йўналтира оладиган олий қадриятдир. Шу билан бирга, миллий ғоя олий қадрият сифатида инсон, миллат, ҳалқ, мамлакат шаъни, унинг қадр қимматини, қолаверса, миллий ўзлигини ҳурмат қилишга таянган ҳолда, дунё ҳамжамияти ривожланиши талабларига жавоб беради.

Ўзбекистонда кучли давлат заминида шаклланаётган демократик фуқаролик жамиятининг асосий мақсадларидан бири давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бизнингча, кучли давлатдан кучли жамият сари ривожланиш ва мамлакатимизда демократик жамият қуриш жараёнида қўлга киритилган энг муҳим ютуғимиз, бу аввало, ижтимоий-сиёсий барқарорлик бўлиб, уни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш эса ўз навбатида қўйидаги омилларга боғлиқ.

Биринчидан, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш жараёни тадрижий характерга эга бўлиб, давлат тизимини барча йўналишлари фуқаролик ва

<sup>1</sup> Қаранг: Тўраев Б., Раматов Ж. Миллий истиқлол ғояси: асосий хусусиятлари, фалсафий ва тарихий илдизлари.-Т.: , 2002.-76 б.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўша жойда.

хуқуқий давлатнинг асосий тамойили бўлган қонун устуворлиги тамойили асосида фаолият юритмоғи лозим.

Иккинчидан, минтақада миллатлараро муносабатларда тинчлик ва тотувликни таъминлаш.

Учинчидан, иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ва шу аснода хусусий тадбиркорликни оилавий фермерлар хўжаликлари фаолиятини, мулкнинг хилмадарлигини кенг йўлга қўйиш.

Тўртингидан, инсон хуқуқларини таъминлаш, уларнинг хуқукини химоя қилишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш.

Бешинчидан, Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига жаҳон иқтисодий тизимиға янада чуқурроқ ва кенг кўламда кириб бориши.

Олтинчидан, маънавий-мағкуравий қадриятларимизни ривожлантириш жараёнида уларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш.

“Миллий ғоя ҳар бир даврда аниқ бир мазмун касб этади, -дейди А.Очилдиев. -Хусусан миллий истиқлол ғоясини миллий ғоянинг мустакилликни қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш даврини ўзига хосликларини яхлит тарзда характерлайдиган хусусий ҳолати, кўриниши сифатида баҳолаш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, “миллий ғоя” “миллий истиқлол ғоя”сига нисбатан кенгроқ мазмунга эгадир. Зоро, миллий истиқлол ғояси миллий ривожланишнинг муайян босқичигагина хос бўлган қарашлар тизимини ифодалайди”<sup>1</sup>.

Юкорида қайд этилган миллий ғояни халқимиз онги ва эътиқодига айлантириш – мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуришнинг мухим омили масалаларини қай даражада бажарилиши, амалга оширилиши, истиқболда бажарилиши зарур бўлган вазифаларни теран англаб, тушуниб етишга, ҳамда уларни амалга оширишдаги саъй-харакатларига, қучли маънавиятига ва миллий ғоянинг ижтимоий воқеликда намоён бўлишига бевосита боғлиқ бўлади.

---

<sup>1</sup> Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. -Т.: Ўзбекистон, 2004.-Б. 15

## **2.2. Баркамол инсонни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти**

Бугунги глобаллашув шароитида юсак маънавиятли шахсни тарбиялаш масаласи янада долзарб бўлиб бормоқда. Ўз навбатида, глобаллашув жараёни ҳам шахс маънавиятига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Глобаллашув жараёни, асосан, халқаро иқтисодий алоқаларнинг, ахборот технологиялари ва фантехниканинг ривожланиши билан характерланади. Глобаллашув ишлаб чиқаришнинг кескин ривожланишига, мос мутахассис кадрлар тайёрлашга янгича талаблар қўймоқда. Бунинг боиси, иқтисодни ривожлантириш билан малакали кадрлар тайёрлаш ўзаро узвий боғланган. Ишлаб чиқариш буюртмачи ва истеъмолчи муносабатларини ўзида мужассамлаштиргани ҳолда, малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнининг асосий иштирокчиси ҳисобланади. Ишлаб чиқариш кадрлар тайёрлашнинг йўналишларини белгилайди, уларнинг сифатига янгича талаблар қўяди, таълим соҳасини молиялаштиришга ўзининг хиссасини қўшади.

Глобаллашув шароитида ташқи алоқалар, халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланиб, ҳар бир шахснинг маънавияти ва интелектуал салоҳиятига янгича талаблар қўймоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўлақонли аъзоси ва унинг ажralmas қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда мамлакатимизда юксак маънавиятли, юқори билимли ва халқаро талабларга мос келадиган мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда бундай мутахассисларга бўлган талаб келажакда ҳам ошиб боради. Шу боис юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш, уларни халқаро меъzonлар асосида тайёрлаш устувор вазифалардан бирига айланиб бормоқда.

Биринчи. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» Конун қабул қилиш зарур. Бу ўз навбатида

фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жихатдан кучайтирган бўлур эди.

Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериши, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаши лозим.

Мазкур қонуннинг жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечеётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни хисобга олган ҳолда, таъминлаши зарур.

*Иккинчи.* Демократлаштириш жараёнларида аҳамияти тобора ортиб бораётган ахборот коммуникациялари соҳасининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган телерадио тизимини ривожлантиришга қаратилган «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида» Қонун қабул қилиш ҳақида таклиф киритилмоқда. Маълумки, ҳозирги вақтда ушбу соҳадаги фаолият оммавий ахборот воситалари, радиочастота спектри, телекоммуникациялар, ахборотлаштириш тўғрисидаги қонунларнинг муайян моддалари билан тартибга солиб келинмоқда. Шу билан бирга, телерадиоэшиттиришлар соҳасини мустақил қудратли индустрия сифатида қайта ташкил этиш, телерадиоэшиттиришларнинг янги шакл ва турларининг пайдо бўлиши телерадиода стурларни тайёрлаш ва узатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тизимли ва кенг кўламли равишда тартибга соладиган яхлит қонунни кучга киритиш заруратини туғдирмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни янада кучайтириш, телерадиодастурларни узатиш борасида мобил ва рақамли телевидения каби илғор замонавий технологияларни жорий этиш, телеиндустриянинг истиқболли янги тармоқларини ташкил қилиш учун зарур шароитларни яратиш имконини беради. Бу қонун миллий телерадиоэшиттиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ва молиялаштириш манбаларининг эркинлиги ва мустақиллиги каби принципларини белгилаб беришга, радиочастоталарни олиш учун ўтказиладиган танловларнинг демократик ва ошкоралигини таъминлаш, тенг рақобат ва электрон медиа-бозор тармоқларининг монополлашувига йўл қўймаслик учун шароит яратиш ва бошқа бир қатор муаммоларни ечишни назарда тутади.

*Учинчи.* Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли химоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизmlарини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқдир. Ушбу вазифани амалга ошириш учун \*«Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»\*ги қонунларни қабул қилиш таклиф этилади. Бу қонунлар ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манбаатларини химоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирларни амалга оширишни назарда тутади.

*Тўртинчи.* Оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий

механизмларни яратиш мақсадида \*«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»\*ти ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади.

Бунда, хусусан, давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни кўзда тутиш лозим. Оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини қўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизmlар устида иш олиб бориш зарур. Шу билан бирга, сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозим<sup>1</sup>.

Жуда катта аудиториянинг айни бир вактда ахборотни идрок қилиши имконияти туфайли телевидения маънавий коммуникациянинг жуда катта кучига, муҳим омилига айланди. Томошабин у ёки бу воқеа тўғрисидаги биринчи ахборотга ишонади ва ўз нуқтаи назарини ўзгартиришга мойил бўлмайди. Телевидения томошабинларни санъат, фан оламига ошно қилди. Дастурларнинг интеллектуал, ижодий даражаси, жумладан, омманинг эстетик онгини ҳам шакллантиради.

“Санъатда ошкораликни пеш қилиб телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизликни, баъзан эса, ҳатто ахлоқий бузуқликни тарғиб қилишлар қўпайиб қолди”<sup>2</sup>-дея таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов.

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 31 б.

<sup>2</sup> Ислом Каримов, "Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида". Т.: "Ўзбекистон", 2012 йил, 161-бет.

Телевидения - бу ахборот бериш, кўнгилочарлик ва камрок даражада таълим бериш демакдир. Болалар ва ўсмирлар имкони бўлган барча телеканаллар ва дастурларни томоша қилишади. Улар болалар ва катта ёшдагиларга мўлжалланган кўрсатувларни бирдек кўраверишади. Айнан телевиденис кейинги ўн йилликда кўп жиҳатдан ёшларнинг қадриятлари ва хулк-автор нормаларини шакллантироқда. Кинофильмлар ва реклама роликлари, сериаллар ўзининг муайян қоидаларига, хулк-автор моделига эга ва онгга таъсир кўрсатади. Бироқ асосий телеканаллар томонидан тақдим этиладиган маҳсулот сифати мазмун ва бадиий акс эттириш жиҳатидан паст. Кўплаб фильмлар ва сериаллар асосан кўнгилочарликка мўлжалланган, бадиий савияси юкори бўлмаган омма учун яратилган.

Телевидениянинг таъсири даражаси ва оқибатларини аниқлаш учун респондентларга: «Телевидения одамлар маънавий тарбиясига қай даражада таъсир кўрсатмоқда?», «Телевиденияда одамлар маънавиятига салбий таъсир этадиган кўрсатувлар бўляптими?». «Агар «ҳа» деган бўлсангиз, айнан қайси кўрсатувларда бу ҳақиқат намоён бўлмокда?» деган саволлар берилди. Сўраб чиқилганларнинг атиги чорак қисми (25,0%) телевидениянинг маънавий салоҳиятини кайд этган бўлса ҳам, ресиондентларнинг мутлақ кўпчилиги (82,3%) аҳолини маънавий тарбиялашда телевидениянинг кучини таъкидлашди.

2003 йилга таққослаганде телевидениянинг одамлар маънавиятига у ёки бу даражада салбий таъсирини қайд қилганлар сони кўпайган, бундай кўрсатувлар телевиденияда йўқ деган катъий фикрни билдирганлар сони деярли икки баравар камайган (2003 йилда - 37,8%; 2006 йилда-19,4%).

Шундай қилиб, бадиий фильмлар ва мусиқали шоу-дастурлар одамлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Телевизион кўрсатувларни томоша қилиш маънавиятниш ҳақиқий энциклопедияси, хар хил вазиятларда хулк-авторнинг ўзига хос «моделлари» жами бўлиб хизмат қилиши мумкин. Агар телевидения ўзининг баҳоловчи фикр-

мулоҳазаларини билдириш, ўз нуқтаи назарини далиллаш, кўрилганга нисбатан ўз муносабатини асослаш имконини берсагина, бу ҳол юз бериши мумкин. Болани техниканинг (шу жумладан телевидениянинг) «думи»га айлантириб қўймаслик учун ҳам оммавий ахборот воситалари ва коммуникацияларни назорат қилиш жиҳатидан, ҳам баркамол авлодни тарбиялаш учун уларнинг салоҳиятидан мақбул фойдаланиш жиҳатидан давлат ва оиланинг аниқ нуқтаи назари зарур.

Оммавий ахборот воситалари тажовуз, зўравонлик. ёвузилик ҳақидаги материалларга тўлиб-тошиб етганлиги яхши маълум. Болалар реал воқеаларни реалистик усулда бериладиган ёлғон воқеалардан ажратиб олиши қийин. Телевидениянинг кундалик ҳаётнинг кўп жиҳатларига, жумладан, эстетик дид ва тасаввурлар шаклланишига таъсири кўп жиҳатдан маданиятнинг бошқа турларидан фарқ қилган ҳолда, телевидения ўзида уй мухитининг бир қисмини ифодалайди (бу жиҳатдан у кинога қараганда радиога яқинроқ). Ушбу факт ўз-ўзича жуда кўп қиррали ҳамда турлича тадкиқот нуқтаи назаридан ҳар хил баҳоланади.

Телевидения кўрсатувларининг мазмунидан ташкари телевидениянинг кучли самарага эга эканлиги-бу уни ҳамма вақт кўриш мумкин эканлиги, ҳар бир уйда ҳозир бўла олиши, унинг одамлар ҳаётининг катта қисми мобайнида миллионлаб фуқароларни пассив томошабин даражасида тутиб туриш қобилиятига боғлиқ. Телевидения оила ва ҳамжамиятнинг ички ўзаро шахсий муносабатларини жуда кам даражага келтириб қўяди. Томоша қилинган кўрсатув тўғрисида бола билан сухбат қилиш бундай салбий таъсирни енгиб ўтиш усулларидан бири ҳисобланади. Болалар бундай сухбатлар жараёнида қаҳрамоннинг хатти-харакатларини катталар билан биргаликда муҳокама қилиш, ўзининг баҳоси тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш ёки ундан шубҳаланиш имконига эга бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш муаммоси юзага қалқиб чиқмоқда.

Уларни мустақил ижтимоий кучга, сиёсий тизимнинг тўлақонли бўғинига ва жамоатчилик фикрини шакллантирувчи таъсирчан воситага айлантириш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг эркин ва мустақил фаолият юритишлари учун мустахкам ҳуқуқий асос яратилган, журналистларни тайёрлаш масаласига давлат даражасида эътибор берилмоқда, журналист-кадрларни ўзимизда тайёрлаш билан қаноатланмай, бу соҳа мутахассисларининг хорижда таълим олишларидан маблағ аялмаётир. Кўриниб турибдики, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши учун қулай муҳит яратилган.

Гарбда оммавий ахборот воситаларига қўпол бўлса ҳам жамият манфаатларини “қўриқловчи кўпрак”, деб нисбат берадилар. Етук демократик давлатларда улар жамиятнинг “кўзлари”, “кулоқлари” вазифасини бажарадилар. Огоҳлантирувчи тизим сифатида улар жамиятдаги иллатлардан хабар берувчи, муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, уларнинг турли ечимларини таклиф қилувчи қудратли кучга айланган. Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг плюрализм тамойили асосига қурилиши демократиянинг тараққиётига хизмат қиласди. Бунинг учун қарама-қарши нуқтаи назарлардан иборат бўлган дастурларни яратиш, чиқишларда муқобил фикрлар тўқнашувига эришиш лозим. Шундагина оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш ва рағбатлантиришга қодир бўлади. Кўпгина мамлакатларда оммавий ахборот воситаларининг ислоҳоти “ғоялар бозори”да хали айтилмаган янги фикрларни узатишга қаратилади. Лекин ўринли бир савол туғилади: бу “бозор” ҳар қандай ғоялар учун ҳам очиқ бўлиши керакми? Йўқ, албатта. Экстремистик нуқтаи назарлар, ғайриинсоний табиатга эга фикрлар ва қўпорувчиликка чақиравчи ғояларга бу “бозор”да ўрин йўқ. Лекин жамиятимиз равнақига хизмат қилувчи, бунёдкорлик табиатига эга, ҳаётимизни фаровонроқ қилишга йўналтирилган янги ғоялар, таклиф ва тавсиялар бу “бозор”да бемалол рақобат қила олишлари керак. Биз демократияни қандай тушунсак, оммавий

ахборот воситаларига ҳам шундай вазифаларни юклаймиз. Биз демократияни мустақиллик, эркинлик ва масъулият деб тушунар эканмиз, оммавий ахборот воситаларидан ҳам мустақиллик, эркинлик ва масъулиятни кутамиз. Демак, журналистлар бу тушунчаларини англаши, уларга әхтиёж сезиши, уларни қадрлаши, улардан фойдалана билиши ва улар учун курашиши зарур.

Оммавий ахборот воситалари орқали миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг яна бир муҳим жиҳати мавжуд. Бу жиҳа - ахборот террорига, мафкуравий таҳдидларга муносиб жавоб бериш, маънавий-мафкуравий жиҳатдан халқимизни тобе этишга интилишларнинг пайини кесиш ва Ўзбекистон фуқароларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш билан боғлик. Оммавий ахборот воситаларининг таъсир кучини кўрсатадиган шундай бир гап бор: “Ҳар қандай пуч ғоя, уйдирма хафтасига уч мартадан тўрт йил давомида такрорланса – “ҳақиқат” тайёр бўлади, одамлар унга чиппа-чин ишонадилар”. Охирги пайтларда информацион ҳуружларнинг тез-тез уюштирилаётгани аслида урушга муносабатнинг ўзгарганлигидан, қуролнинг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Бу қурол – ахборотдир. Бундай қурол ёрдамида олиб бориладиган информацион урушларда инсоннинг онги ва қалби нишонга олинади. Гарчи у дайди ўқ сингари инсонни жисмонан йўқ қила олмаса-да, унинг қўпорувчилик кучи, келтирадиган талофтлари ҳар қандай оммавий қирғин қуролиникидан кам эмас. Чунки, бу қурол ёрдамида онгга берилган зарбалар кишини адаштиради, уни ўз манфаатларига зид ҳаракат қилишга ундейди ва демак, инсонни бошқариш, унинг устидан ҳуқмронлик қилиш имконини беради. Аслида ахборот мақсадга эришишнинг энг арzon воситаси ҳам саналади. Ҳақиқатан ҳам, информацион ҳуружлар уюштириш учун у қадар кўп меҳнат, у қадар кўп ҳаракат, талаб этилмайди.

Мамлакат тараққиётининг тақдирини маънавий жиҳатдан етук, техникавий билимлар ва мураккаб технологияни эгаллаган, иродаси бақувват, иймони бутун, замонавий фикрлайдиган, юксак салоҳиятли

шахслар ҳал этади. Шахсни маънавий тарбияламай туриб баркамол авлодни шакллантириш мумкин эмас. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг хақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгиланиш ва тарақкий эттириш йўлидан муваффақиятли олға силжишида ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир...”.

Ёш авлодга бадиий ижод жараёнига қизиқиши пайдо қилишда оммавий ахборот воситаларини ўрни беқиёс. Улар воситасида шахсда индивидуал қобилият шаклланади. Маълумки, ҳар бир қобилият тинимсиз меҳнат фаолияти натижасида юзага келади. Бунда телевидения алоҳида аҳамият касб этади. Сабаби турли мавзулардаги экран талқинлари ёш авлод онгига сингиши жуда тез кечади. Телевидения маънавий юксалиш ҳамда янги дунёқарашни шакллантиришга имкон беради. Биз миллий қаҳрамонларимиз асосида ишланган кино ёки мультфилмлар орқали баркамол авлодни эстетик қадриялар асосида тарбиялаш олдимиизда турган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Фақат маънавий эркин баркамол авлодни комил тафаккур туфайли ҳар соҳада катта ютуқларга эришиши мумкин.

Хозирги даврдаги глобаллашув жараёнида ахборот олишнинг тезлашуви, шунингдек, интернет орқали узатиладиган турли янгиликларни ижобий ва салбий жиҳатларини тахлил қилиш масалаларини эътибордан четда қолдирмасликни тақазо этади. Айниқса, интернет тармоқларидағи айрим кўнгилочар сайтларнинг ёшлар эстетик тарбиясига салбий таъсири масалаларини жиддий тахлил қилиш зарур.

Маълумки, инсонларда, айниқса ёшларда янги маънавиятнинг шаклланиши анча мураккаб жараён ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари орқали ҳар жабҳада кенг кўламли маданий, тарихий, маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади ҳам мана шу ишларни оқилона йўналтиришга қаратилган.

Айтиш зарурки, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган Голландиянинг “YES” дастури ёшларнинг бандлиги бўйича халқаро муаммолар ҳақида ҳабардорлик даражасини ошириш ва уни англашни чуқурлаштиришга қаратилган. Шунингдек, Гайана, Нидерландия, Филиппин, Жанубий Африка ва Туркияда 18–26 ёшдаги беш нафар ёш тадбиркор, энг яхши бизнес - режа танлови асосида ажратиб олинганидан сўнг, ёшлар ташкилоти ва ишбилармонлар гуруҳидан бўлган мураббий раҳбарлиги остида ўз тадбиркорлик фаолиятларини бир вақтнинг ўзида бошлайди. Уларнинг тажрибалари кузатиб борилади ва интерфаол веб-сайт, миллий ҳамда халқаро ёшлар оммавий ахборот воситалари ва телевизион дастурни ёки ҳужжатли фильмни яратиш ва кўрсатиш орқали кенг ёшлар оммасига таништирилади.

Оммавий ахборот воситаларига эстетик жиҳатдан ёндошув пировардида илм-фан, маданият ва маърифат ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

## **2.3. Глобаллашув шароитида оммавий ахборот воситаларининг ёшлар тарбиясига кўрсатаётган таъсири**

Миллий ғоя ва мафкуранинг асосий вазифаларини амалга ошириш соҳаси ва йўналиши миллий, мафкуравий тарбиядир. Миллий тарбия миллий мерос, урф-одат, анъана ва қадриятлар орқали ёшларда миллий онг, дунёқараш ва руҳиятни шакллантириш, уларнинг ўзлигини англатиш, халқ ва Ватан олдидағи масъулиятини юксалтиришдаги фаолиятини билдиради. Мафкуравий тарбия эса инсон, ижтимоий груп, миллат, жамият дунёқарашини шакллантириб, ғоявий билимларни янада оширади. Ўзбекистон шароитида мафкуравий тарбиянинг асосий вазифаси – халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадларини, Миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, айниқса, ёшлар онгига сингдиришдан иборатdir. Мафкуравий тарбия жамиятда, авваламбор, оила, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицей, коллежлар, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини тақозо қиласи. Узлуксиз таълим тизими мафкуравий тарбияни олиб борувчи асосий бўғиндир, зеро мафкуравий мақсадларни ёшлар онгига сингдириш вазифаси асосан таълим тизими орқали амалга оширилади.

Бугун давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири мамлакат тараққиётида хал қилувчи вазифани бажарувчи баркамол инсонни тарбиялашдир. Буни биз Президентимиз томонидан ҳар бир йилнинг ўзига ҳос номланишидан ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, “Соғлом авлод йили”, “Ёшлар йили” ва жорий йилнинг “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши бунинг исботидир. Баркамол авлодни қисқагини қилиб комилликка етишган инсон деб қарашимиз мумкин. Комил инсон ҳам ақлан, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлган инсонлардир. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов 2009 йил 6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конситуциясининг қабул қилингандигининг 17 йиллиги муносабати билан

сўзлаган нутқида халқимиз ва ёшларни “оммавий маданият” таъсирига тушишдан сақланишга эътибор бериш кераклиги ва унга қарши чора – тадбирлар кўриш хақида фикр мулоҳазалар билдирган эди. XX асрнинг иккинчи ярмида ғарбда вужудга келган “оммавий маданият” кўм-кўк осмонни қоплаган қора булат сингари 30-40 йил ичидаги нафақат ғарб, балки жануби-шарқий Осиё давлатларини ҳам ўз домига илинтириди деб айтишга барча асослар бор. Сўнгги йилларда корейс ва япон киноижодкорлари томонидан яратилган ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилган “Ошин”, “Сарой жавоҳири”, “Денгиз ҳукмдори”, “Жумонг”, “Шерюрак” каби фильмларини яратишдан кўзланган асосий мақсад ўша халқ ёшларини ўз тарихларини билишга даъват этиш ва халқнинг маънавий савиясини ошириш ҳамда урф-одатларни қайта тиклаш эди. Чунки, , ўша халқнинг зиёлилари ёшлар ғарб маданияти (оммавий маданият) таъсирига тушганликлари ва бунга қарши чора тадбирлар кўрилмаса аянчли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини қайта-қайта таъкидлаганди.

“Оммавий маданият” қандай салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқдаки, шу даражада хавфли бўлса? Минг йиллар давомида ер юзида ҳаётнинг давом этаётганлигига сабаб тирик мавжудодларнинг ўз келажаги ва келажак авлод тўғрисида қайғурганлигидадир. Агар одамзод фарзанд тарбиясини ўзига ортиқча иш деб ҳисобласа – бу инсоният учун энг катта фожеадир. Оммавий маданият таъсирига тушган давлатлардаги ёшлар ўзлари учун жинсий эркинликка эга бўлди, бунда улар бир-бирлари билан фарзанд кўриш истаги билан эмас, балки майшат, жинсий лаззатдан баҳраманд бўлиш учун бирга бўлмоқдалар. Аҳвол шу даражага бориб етдики, «АҚШ ва айрим Ғарбий Европа давлатларида 1989-йилга келиб бир жинсли одамларнинг никоҳини рўйхатга олишга эришилди»<sup>1</sup>. Вахоланки, християн ва ислом динларида ливота (эркак билан эркакнинг жинсий алоқада бўлиши) катта гуноҳ саналади. Бугун аксар Европа давлатларидағи асосий муаммо – бу демографик

<sup>1</sup> А.Фаниев “Ғарб оламидаги ахлоқий муаммолар” Ворис Т. 2007.14-бет

инқиrozдир. Чунки, бу давлатларда ёшлар фарзанд тарбиясини ортиқча иш деб ҳисобламоқда. Россиялик олимлар олиб борган статистик маълумотларга кўра “1990 йилдан 2010 йилгача рус халқи 160 млн дан 143 млн га камайган. Агар бу аҳвол яхшиланмаса 2030 йилга келиб рус халқи 120 млн га камаяди”<sup>1</sup> ва бу халқнинг бошқа халқлар билан қўшилиб кетишига олиб келади. Шу каби муаммоларни Германия, Англия, Франция, Италия каби Farбий Европа давлатларида ҳам кузатиш мумкин. Бугун бизнинг халқимизга “оммавий маданият” ҳеч қандай хавф туғдирмайди деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Чунки, “оммавий маданият”нинг баъзи бир унсурлари МДХ давлатларида ҳам кузатилмоқда. 20 йилда жаҳонга Пушкин, Достоевский, Чехов, Толстой, Менделеев, Ломоносов каби даҳоларни берган рус халқи оммавий маданият таъсирига тушганини мисол тариқасида келтириш мумкин.

“Оммавий маданият” бутун дунёга ўзининг фожеавий кўринишлари бўлмиш гиёхвандлик, фохишабозлик, беватанлик каби кўринишларини тарқата бошлади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек комил инсон ҳам ақлан, ҳам жисман, ҳам маънан соғлом бўлиши керак, лекин гиёхвандлик бор жойда соғлом ақл бўлишига ишониш қийин. Демакки, гиёхвандлик бор жойда комилликка интилиш йўқолади. Ундан ташқари бу “захри қотил” инсоннинг жисмонан заифлашувига ва оҳир-оқибат ҳалокатига сабаб бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, “оммавий маданият”нинг бошқа жиҳатлари инсоннинг маънан қашшоқлашуви олиб келади.

Бугун келажак авлодларимиз учун энг катта хавфлардан бири уяли алоқа воситаларидан нотўғри фойдаланиш деб ишонч билан айтиш мумкин. Бу алоқа воситасининг зарарини кўрсатиш учун соатлаб гапириш керак бўлади. Бугун мобил телефонларсиз жамият тараққиётини тасаввур қилиш қийин, албатта, лекин унинг зарарли томонларини, айниқса, ёш болалар учун қанчалик зарарли оқибатларга олиб келаётганлигини таъкидлаш жоиз. Шифокорлар, ОАВ лари бу техник қурилманинг зарарлари тўғриси ўз фикр-

<sup>1</sup> А.Ғаниев “Farб оламидаги ахлоқий муаммолар” Ворис Т. 2007.17-бет

мулоҳазаларини билдириб келмоқда. Жумладан, Олий тоифали шифокор, травматолог И.Қ.Турғунов шундай деган эди: “Мобил телефонлардан тарқалаётган электро тўлқинлар ёш болаларнинг суюкларири ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва уларнинг суюклари мўртлашиб боради”.

Олий тоифали шифокор, нейрахирург София Ивановна “18 ёшгача бўлган болаларнинг мия фаолияти хали тўлиқ изга тушмаганлиги учун телефон орқали қўп гаплашиш уларнинг асабларида нотекис тўқималар ва қалтирашларни келтириб чиқаради” деган эди.

Шифокор Шокир Аҳмедов “ёшлар қўлидаги замонавий телефонларда олиб юрилиб, кўриб томоша қилинадиган беҳаё фильmlар ёшларнинг, айниқса, ўғил болаларнинг жинсий безлари қисқа муддатга ўйғонишига сабаб бўлади ва бундай ҳолатнинг қўплаб тақрорланиши оқибатида бола кейинчалик бепушт бўлиб қолиши мумкин”лиги ҳақида огоҳлантиради.

Бундай салбий ҳолатларга қарши курашишда доимо сергак бўлишимиз ота-оналар, маҳалла, жамоат ташкилотлари, таълим-тарбия муассасаларининг ҳамкорлиги, сай-ҳаракатлари зарур. Гарчи телевидиниеда бу борада кўрсатувлар тайёрланаётган бўлса-да, бу ишлар ўз натижасини бериши учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз лозим. Яъни ота-оналар ўз фарзандларида бундай салбий ҳолатлар кузатилишига йўл қўймаслиги ва Ватанимиз тараққиётига ўз хиссасини қўшадиган фарзанд қилиб тарбиялаши даркор. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур.

Истеъдодли ёшларни топиш, рағбатлантириш, тарғиб қилиш, тарбиялаш ва етук мутахассис бўлиб вояга етишида, албатта матбуотнинг, ОАВларининг роли катта. Шу сабаб, аввало мамлакатимизда мустақиллик йилларида ОАВга, хусусан, матбуотнинг шакллантиш жараёни ва унинг турлари ҳақида қисқача тўхталишни жоиз, деб топдик.

Мустақиллик Ўзбекистон матбуоти ва оммавий ахборот воситалари тараққиётида сифат жиҳатидан бутунлай янги ривожланиш босқичини

бошлаб берди. Ўзбек журналистлари матбуотда миллат дардини, унинг чинакам орзу-интилишларини, ҳур ва мустақил яшаш учун интилишларини, истеъодод қирраларини ҳаққоний ифодалаш, мавжуд муаммоларни рўй-рост ёзишга, уларни бартараф этиш йўл-йўриқларини излашга, машаққатлар эвазига эришилган миллий истиқболни мустаҳкамлашга чин дилдан бел боғладилар. Ўзбекистонда ривожланган ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишдек эзгу ният барча жабҳалар сингари журналистиканинг ҳам мақоми ва тузилмасида туб ислоҳотларни амалга оширишни тақозо қилди. Ўзбекистон Конституциясида оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ҳолатига доир алоҳида (67-моддаси) модда баён этилди.

Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Конституциясининг 17 йиллигига бағищланган (2009 йил 5 декабрь) маъruzасида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, четдан кириб келадиган экстремистик марказлар ҳамда паст савияли “оммавий маданият” иллатларининг заарли таъсирлари, таҳдидидан муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор берди<sup>1</sup>.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши яқин келажакда иккита фундаментал жараён билан аниқланади. Булар:

1. Информацион технологияларнинг ривожланиши.
2. Интеллектуал, яъни ақлий хизматларнинг кўпайиши сабабли молиявий бозорда рақобатнинг кучайиши.

Информацион технологияларнинг ривожланиши янги оламни, информацион жамиятни яратади.

Иккинчиси эса интеллектуал жараёнлар билан боғлиқ. Интеллект – инсоннинг тафаккур юритиш қобилияти. Сунъий интеллект эса – одам интеллектининг баъзи ечилиши қийин бўлган вазифалари ва қарор қабул қилишдаги муаммоларни ўзида мужассамлаштирган автоматик ва автоматлаштирилган тизимлар хусусияти. Сунъий интеллект шахснинг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 29-30 б.

нисбатан барқарор бўлган, масалан, ахборотни қабул қилиш ва уни турли қийинчиликларга эга бўлган масалалар ва муаммоларни ечиш учун фойдалана олиш каби ақлий қобилиятини замонавий техник воситалар, жумладан, компьютерлар ёки уяли телефонлар орқали ифодалайди. Ушбу тушунча, нафақат инсонга, балки ҳайвонлар дунёсига ҳам тегишли бўлган ҳолатлар, жумладан, маймунларнинг психик фаолиятнинг олий шаклини баён қилиш учун ҳам тегишилдири.

Компьютерларнинг пайдо бўлиши ва дастурлар ёрдамида масалалар ечиш билишнинг янги турларини келиб чиқишига сабаб бўлди. Бундай турлардан бири сифатида интеллектуал тизимни кўрсатиш мумкин. Интеллектуал тизимнинг асосий тамойили шундаки, бирор масалани ечишда у инсоннинг мантиқий фикрлаш усулини қўлладайди. У мантиқ қонунларини, математик муносабатлар, мураккаб масалани майдароқ масалаларга ажратиш йўллари ёки аввал учраган масалаларга ўхшаш мулоҳаза юритишга интилади. Бу ерда инсон фикрлашнинг мослашувчанлиги ва кўп қирралиги намоён бўлади. Модомики шундай экан, мураккаб масалаларни ечишда инсон маълум қонуниятларни билишга интилади ҳамда шу аснода ечимни излайди. Бундай шароитда инсон математик теоремалар ёки тажрибадан олинган қоидалардан фойдаланиши, мураккаб масалаларни содда масалаларга ажратиш ва бошқа усулларни тадбиқ этишга ҳаракат қиласди. Асосан, интеллектуал тизимларнинг асосий вазифасига тўпланган билимлар базасини татбиқ этиш ва ундан фойдаланган ҳолда мураккаб масалаларни ечишнинг оптималь усулларини излаш ҳамда ечимини топиш керак бўлади<sup>1</sup>.

Бугунги кунда интеллектуал вазифаларни ҳал қиласиган анчагина дастурлар яратилган. Ҳар бир дастурни етарлича аниқ, хато қилмайдиган қилиб яхшилаш, уларни такомиллаштириш келажакда ҳал қилувчи масалалардан биридир. Инсоният, истеъдод эгалари компьютернинг beminnat хизматидан фойдаланган ҳолда Интернет тармоқларидан ўзига

<sup>1</sup> Рассакова Д. Сунъий интеллект бугун инсон хизматида. – Т: ЎзМУ ОПИ. Илмий-услубий семинар материаллари, 2008.– 20-21 б.

керакли бўлган маълумотларни олишда, электрон почта ташкил қилиб ўзининг электрон виртуал кутубхонасини ташкил этишда, ўқитишнинг масофавий усулларини амалаётга жорий қилишда, электрон савдо ёки банк тизимлари ишини автоматлаштиришда, электрон ўқув қўлланмалари ва мультимидали дарсликлар ишлаб чиқишида, ҳаттоки жамиятимизни электрон бошқаришда, телемедицинада ва янгидан-янги технологик муаммоларни ҳал қилишда сунъий интеллектнинг имкониятлари чексиздир. Сунъий интеллект ёрдамида инсон қўли етмаган, кўзи кўрмаган (хужайралар ичida бўлаётган жараёнлар, сув остида ва атмосферада бўлаётган ҳодисалар)ни компьютер ёрдамида осонгина ҳал қилишга сафарбар этилмоқда.

Назаримизда интернет, уяли алоқа воситалари китобнинг ўрнини эгаллай олмайди. Ўзбекистон Қахрамони Озод Шароғиддиновнинг фикрича, дунёда гарчи етти мўъжиза бор бўлсада, саккизинчи мўъжиза ҳам шаксиз мавжуд, у – китоб. Китоб асрлар давомида асосий ва бирламчи билим манбаи бўлиб келган. Унинг қадри ҳамиша ортиб бораверади. Китобдан фарқли ўлароқ, мутахассислар интернетни тезкор “захарли ўргимчак”ка қиёслашади. Компьютернинг зарарли таъсирларини ҳисобга олган ҳолда интернетнинг инсон саломатлигига салбий таъсири оддий китобдан кўра кўп. Ушбу ҳолатни ўрганиб чиққан бир қатор россиялик шифокорлар компьютернинг инсон соғлигига бўлган салбий таъсирларини санаб ўтганлар. Жумладан, узоқ муддат давомида ўтириш: одам умуртқа поғонасига шикаст етиб, турли касалликлар пайдо қиласи, монитордан чиқадиган электромагнит нурланишларнинг таъсири, кўриш қобилиятининг сусайиши, бармоқ бўғинларининг чарчashi, маълумот йўқолиши натижасида пайдо бўладиган стресс ҳолатларни юзага келтириши мумкин. Бу омиллар бевосита интернетга боғлиқ бўлмасада, лекин компьютер унинг зарурий ашёларидан бўлгани сабабли интернетда узоқ вақт мобайнида ишлаш одам саломатлигига астасекинлик билан ўз салбий таъсирини ўтказиши мумкин. Китоб мутолаасида эса ушбу салбий таъсирларни четлаб ўтади. Китоб электрон нашрлардан кўра

бир қанча самарали жиҳатларга ҳам эга. Шу боис жаҳон маданияти ва тарихи, санъат, қолаверса, турли соҳаларга оид барча маълумотларга эга бўлишда китоб энг яхши воситадир.

“Open book publication” ташкилотининг маълумотига кўра, 2006 йилда жаҳонда 1 млн. китоблар чоп этилган. ЮНЕСКОнинг хабарига кўра эса, бу кўрсаткич 900 мингни ташкил қиласди. Жаҳон мамлакатлари орасида йиллик китоб нашрларининг сони бўйича энг йирик 6 мамлакат қайд этилган. Булар: Хитой (бир йилда 210 минг номдаги китоб), АҚШ (200 минг), Россия, Германия, Япония ва Буюк Британия (200 мингдан камроқ) давлатлардир<sup>1</sup>. Мамлакатимизда ҳам китоб нашр этиш йилдан-йилга тезда ривожланиб бормоқда. 2005 йилда давлат ҳамда хусусий босмахоналар томонидан 45 млн.дан ортиқ ададдаги китоблар чоп этилган. Буларнинг деярли ярмидан кўпроғи илмий адабиётлардан иборат экани эса қувонарлидир.

Демак, интернет, шубҳасиз, буюк кашфиёт бўлсада, лекин уни китоб ўрнида “саккизинчи мўъжиза” деб бўлмайди. Албатта, кашфиётларнинг деярли барчаси инсон учун хизмат қиласди. Улардан оқилона фойдаланиш эса ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Шунинг учун интернетга нисбатан кутубхоналардан фойдаланувчиларнинг сонини кўпайтириш эзгу мақсадларни қамраб олади. Демак, оммавий ахборот воситалари, айниқса, матбуот органларида истеъодли ёшларни излаб топиш, ўқитиш, тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у мамлакат келажаги ва ривожланишига бевосита таъсир қиласди.

---

<sup>1</sup> Марасулов М. “Захарли ўргимчак” саккизинчи мўъжиза бўла олмайди! // “Маърифат”, 2008 йил 28 июнь.

## Х У Л О С А

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фарзандларимизни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, хуқук ва манфаатларини ҳимоялаш, таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотларнинг пировард мақсадини ташкил этади. “Баркамол авлод йили” сифатида кириб келган 2010 йил ана шундай эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда самарали ва салмоқли босқич бўлиши, шубҳасиз. Бу мақсадларни амалга оширишда, аввало, оммавий ахборот воситаларнинг вазифаси алоҳида эътиборга муносаб. Чунки, ёшлар оммавий ахборот воситалари орқали ўзларига тегишли бўлган ахборотларни, келажакда танлайдиган касблар ҳақида маълумот оладилар. ОАВ мана шундай вазифалари орқали баркамол авлод тарбиясига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Юқорида келтирилган хulosаларга асосланиб, қўйидаги назарий ва амалий тавсияларни келтиришни мақсадга мувофиқ деб биламиз:

-миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манбаатларимизга ҳаёт тарзимизга зид бўлган заарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш;

-буғунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислоҳотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун хужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва информацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни хушёрликка ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи

ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштироқида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

-соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш.

- ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг аҳамияти муҳим ижтимоий-маънавий зарурат сифатида ортиб бормоқда. Шу сабабли замонавий олий ўқув юрти маънавий-маърифий ишлари мазмуни ва уларни янада такомиллаштиришни, яъни мафкуравий муаммоларни ва гоявий кураш масаласини янада чуқур илмий-педагогик таҳлил қилиш, талаба ёшларда амалий мафкуравий кўникмаларни шакллантириш йўлларини яхшилаш, талабаларни мафкуравий тарғиботга тайёрлаш методларини ишлаб чиқишини талаб этади.

- оммавий ахборот воситаларидағи мавжуд шакл ва усулларини ўзгартишимиз, уларни миллий манфаатларимиз ва замонавий мезонларга мувофиқлаштириш, бошқа соҳалар каби оммавий ахборот воситаларида ҳам таҳдидларига қарши барча замонавий воситалардан фойдаланишимиз керак;

- оммавий ахборот воситаларида ички ва ташқи сиёsatда рўй берётган факт ва воқеаларни ёритишда янгича ёндошувларни қўллаш, миллий оммавий ахборот воситалари тизимининг халқаро миқёсдаги жамоатчилик фикрига таъсирчанлигини ошириш, душманлик кайфиятида бўлган ахборот воситаларининг мафкуравий хуружларига матботдаги чиқишлиар орқали муносиб жавоб бериш;

- оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатда кечётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларини таҳлил қилиш борасида тизимли ёндашувларни ишлаб чиқиши, ислоҳотларнинг ахборот таъминотини таъминлаш ишида оммавий ахборот воситалари ва электрон оммавий ахборот воситалари харакатини бирлаштириш зарур. Оммавий ахборот воситаларининг ўқувчи билан мулокот йўли асосан

мантикий исботдан иборат, бундай таъсирга маълум миқдорда тасвир ҳам қўшилади: газетадаги расмлар, ранг, сарлавҳалар кўринишлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳозирги давр оммавий ахборот воситаларии ўзнинг жадал суръатларда ривожланиши билан биргаликда, жиддий муаммоларга ҳам дуч келмоқда. Бундай муаммолар жумласига миллий ғояга зид бўлган ахборот ёки хабарларни тарқатилиши ва манипуляция қилиниши кабиларни келтириш мумкин.

## **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Расмий хужжатлар**

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т: Ўзбекистон, 2008.–40 б
- 1.2. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишда партиялар ролини янада кучайтириш тўғрисидаги Қонун. 2006 й 8 ноябрь. // ЎзР Олий Мажлиси Ахборотномаси. – Тошкент, 2006. – № 11. – Б. 75.
- 1.3. Таълим тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил 29 август // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, 1997. – Б. 20-29.
- 1.4. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1993 йил 2 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – Тошкент, 1993. – № 9. – Б. 23-29
- 1.5.“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) /Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари.–Т: Ўзбекистон, 2007.–80 б
- 1.6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 й. 29 август // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, 1997. – Б. 30.
- 1.7. “Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 1999 йил 26 февраль.//Халқ сўзи.– 1999. – 27 феврал.
- 1.8. Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори. –Т, – № 105-1. 1995 йил 30 август // Халқ сўзи. – 1995 йил 30 апрел.
- 1.9.“Баркамол авлод йили” давлат дастури.–Тошкент: Ўзбекистон, 2010.–80 б

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари**

- 2.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёsat, мафкура. – Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 2.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.2. – Т: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
- 2.3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.3. – Т: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
- 2.4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан.–Т.4.–Т: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
- 2.5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.5. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
- 2.6. Каримов И.А Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. – Т.6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 342 б.
- 2.7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Т. 7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
- 2.8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. – Т.8. – Т ошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
- 2.9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.9. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
- 2.10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. – Т.10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
- 2.11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.11. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
- 2.12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. – Т.12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
- 2.13. Каримов И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
- 2.14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.

- 2.15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳатларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.
- 2.16. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 368 б
- 2.17. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
- 2.18. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009.– Б. 29-65.
- 2.19. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
- 2.20. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 352 б.
- 2.21. Каримов И. Жамиятимиз мағкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат қилсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 30 б.
- 2.22. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.–Т: Ўзбекистон, 2000.–683 б
- 2.23. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари / Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 415-683.
- 2.24. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди / «Независимая газета» муҳбири саволларига жавоблар. 2005 й. 14 январь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 64 б.
- 2.25. Каримов И.А. Инсон, унинг хуқук ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 48 б.
- 2.26. Каримов И.А. Ҳамкорлик, тараққиёт ва хавфсизликни таъминлаш йўлидан // Халқ сўзи. – 2010 йил 22 сентябр.

- 2.27. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. - 56 б.
- 2.28. Каримов И.А. "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида". Т.: "Ўзбекистон", 2012 й.

### **III. Китоблар, монографиялар, мақолалар тўплами**

- 3.1. Абдуллажанов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. – Тошкент: Академия, 2000. – 160 б.
- 3.2. Абдулқосим Замаҳшарий. Нозик иборалар.–Тошкент: Камалақ, 1992.–80 б
- 3.3. Абдулла. Шер Ахлоқшунослик.–Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.–254 б.
- 3.4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.–Тошкент: Мерос, 1993.–210 б.
- 3.5. Абу Райхон Беруний. “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”. – Тошкент: Фан, 1972. – Б. 68.
- 3.6. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.–Т: Халқ мероси, 1994. – Б. 32.
- 3.7. Алимова Д. Инсоният тарихи – ғоя ва мафкуралар тарихидир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 222 б.
- 3.8. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Мовароуннахр, 1990.– 163 б.
- 3.9. Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри.–Т:Фан, 1999.– 170 б.
- 3.10. Бобоҷонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг ҳусусияти. – Тошкент: Фан, 1995. – 95 б.
- 3.11. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси.–Тошкент: Университет, 1997. – 128 б.
- 3.12. Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 188 б.
- 3.13. Заҳириддин Муҳаммад Бобур.Бобурнома.–Т: Юлдузча, 1989.– 368 б.
- 3.14. Ибн Сино. Фалсафий рисолалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1963. – 109 б.

- 3.15. Иброхимов А. Ўзбек маҳалласи. – Тошкент: Маънавият, 2007. – 48 б.
- 3.16. Иномова С.Т. Эъзозли аёл иқболи. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – 94 б.
- 3.17. Исоқов Б. Зиёлилик масъулияти. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 80 б.
- 3.18. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 233 б.
- 3.19. Мадаева Ш.О. Миллий менталитет ва демократик тафаккур: (ХХ аср сабоқлари ва ХХI аср истиқболлари). –Тошкент: Фалсафа ва хуқуқ институти нашриёти, 2007. – 127 б.
- 3.20. Михайлова Л.И. Социология культуры.–М.:ФАИР-ПРЕСС,1999.– 231 с.
- 3.21. Мухтаров А. Шахс тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 136 б.
- 3.22. Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: 1983. – 186 б.
- 3.23. Отахўжаев Ф. Никоҳ ва унинг хуқуқий тартибга солиниши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 78 б.
- 3.24. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси: монография /А.Очилдиев; Масъул муҳаррир: Қ.Назаров; ЎзР Фан ва техн. Дав. қўмитаси, Респ. маънавият ва маърифат кенгashi, Ўзб-н файласуфлари миллий жамияти. – Тошкент: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002. – 32 б.
- 3.25. Очилдиев А.С. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. –Тошкент: Муҳаррир, 2009 – 96 б.
- 3.26. Очилдиев А.С. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004 – 134 б.
- 3.27. Равшанов Ф. Маънавий тараққиётга таҳдидлар.–Тошкент: 1998.– 190 б.
- 3.28. Рахматов О. Огоҳлик–муқаддас бурч.–Т: Мовароуннахр,2000.– 20 б.
- 3.29. Сайдов Ҳ. Матбуот – миллий манфаатлар ҳимоячиси. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 64 б.
- 3.30. Согрин В.В. Идеология в американской истории.–М.:, 1995. – 222 с.
- 3.31. Султонова Э. Аёл давлатнинг ривожланиш стратегиясида: глобал муаммо сифатида. – Тошкент: ЖИДУ, 2005. – 250 б.
- 3.32. Тохир Карим. Муқаддас “Авесто” изидан.–Тошкент:Чўлпон,2000.–218 б

- 3.33. Туйчиев Б.Т. Политическая культура и демократизация общества. – Ташкент: Шарқ, 2009. – 219 с.
- 3.34. Туленова Г. Маънавий етуклиқдан ижтимоий фаоллик сари. – Тошкент: Aloqachi, 2008. – 179 б.
- 3.35. Туленова Г. Ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш зарурати. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 48 б.
- 3.36. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 96 б.
- 3.37. Фитрат Абдурауф. Нажот йўли. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 86 б.
- Халматова М. Оиласвий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 200 б.
- 3.38. Хажиева М. Ўзбекистонда толерантлик жараёни. – Тошкент: ABU MATBUOT-KONSALT, 2008. – 128 б.
- 3.39. Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданият тараққиёти (Уйғониш даври маданияти). – Тошкент: Фан, 1994. – 168 б.
- 3.40. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 221 б.
- 3.41. Куронов М. Биз англаётган ҳақиқат. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 152 б.
- 3.42. Гафарли М.М., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик-тараққиёт асоси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 430 б.
- 3.43. Кузнецов Ю., Никольский В. Введение в теорию национальной безопасности. – М.: Культура – Сеть, 2000. – 395 с.
- 3.44. Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг гоявий-мафкуравий масалалари. – Тошкент: Маънавият, 2007. – 80 б.
- 3.45. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т: Маънавият, 1998. – 83 б
- 3.46. Тўраев Б., Убайдуллаев У. Ўзбекистон минтақада тинчлик ҳимоясида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 244 б.
- 3.47. Холматова М.Х., Ёшлар оила қурмоқчи. – Т: Меҳнат, 1999. – 98 б.
- 3.49. Чориев А., Мансуров А. Ғоя, тарих ва миллий тафаккур. – Тошкент:

- Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2000. – 210 б.
- 3.50. Шермухамедов С., Султонов Т. Оила – истеъдодли ёшларни тарбиялашда энг муҳим босқич. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 165 б.
- 3.51. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Кўчкоров Р. Мағкура полигонларидағи олишувлар. – Тошкент: Akademiya, 2007. – 200 б.
- 3.52. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 234 б.
- 3.53. Демократия–тараққиёт гарови.– Тошкент: Фалсафа ва хуқуқ институти, 2005. – 86 б.
- 3.54. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий - маърифий асослари.–Тошкент: Тошкент Ислом университети, 2005. – 176 б.
- 3.55. Ёшлар онгига ғоявий дунёқарашни шакллантириш. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002. – 188 б.
- 3.56. Залолатга кетманг!: Ҳизбут-тахрир фитнасидан огоҳ бўлинг. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. – 28 б.
- 3.57. Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик.–Т:Мовароуннаҳр,1998. – 128 б.
- 3.58. Ислом, тарих ва маънавият. – Тошкент: Мерос, 2000. – 109 б.
- 3.59. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни. – Тошкент: 2004. – 42 б.
- 3.60. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 60 б.
- 3.61. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий лугат). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 192 б.
- 3.62. Миллий истиқлол ғояси. – Тошкент: Академия, 2005. – 312 б.
- 3.63. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. – Тошкент: Akademiya, 2007. – 352 б.
- 3.64. Минг бир ҳадис. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1994. – 24 б.
- 3.65. Социологический энциклопедический словарь.–М.: Норма - 1998.–575 с

- 3.66. Соғлом оила – обод маҳалла негизи / Республика Оила илмий-амалий маркази. – Тошкент: 2003. – 81 б.
- 3.67. Фалсафа: қомусий лугат. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 496 б.
- 3.68. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик. – Т.4. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 608 б.

#### **IV. Журнал ва газета мақолалари**

- 4.1. Орипов М. Сулук ҳақидаги ҳақиқатни билиш // Сирли олам. –Тошкент, 1995. - №95. – Б. 4-8.
- 4.2. Тўрақулов X., Усмонов Н., Ўролова О. Миллий истиқлол ғоясини ўрганишнинг ахборотли таъминоти // Халқ таълими.–Т,2002.-№ 3. Б. 9-16.
- 4.3. Абдукаримов М. Тадқиқот нимани кўрсатди? //Ишонч.–2001.–17 октябрь.
- 4.4. Сайдов М. Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди // Халқ сўзи.-2006.-7 январь.

#### **V. Интернет сайtlари**

- 5.1. Uzbekistan development gateway // [www.uzbekgateway.uz](http://www.uzbekgateway.uz);
- 5.2 // [www.readiness-gude.org](http://www.readiness-gude.org).

## **МУНДАРИЖА:**

КИРИШ.....	3-9
<b>I-БОБ. МИЛЛИЙ ГОЯНИ ХАЛҚИМИЗ ОНГИ ВА ЭЪТИҚОДИГА СИНГДИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИНИ ИЛМИЙ – НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b>	
1.1. Миллий ғоя тарғиботининг ахборий шакллари.....	10-21
1.2. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни.....	22-31
1.3. Оммавий ахборот воситалари миллий ғоянинг ҳаётга тадбиқ этишда муҳим восита.....	32-42
<b>II-БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ ГОЯНИ ХАЛҚИМИЗ ОНГИ ВА ЭЪТИҚОДИГА АЙЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ</b>	
2.1. Миллий гояни халқимиз онги ва эътиқодига айлантиришда матбуотнинг ўрни.....	43-49
2.2. Баркамол инсонни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти.....	50-59
2.3. Глобаллашув шароитида оммавий ахборот воситаларининг ёшлар тарбиясига кўрсатаётган таъсири.....	60-67
ХУЛОСА.....	68-70
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ.....	71-78